

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

ОҚҚЎЗИЕВА МАХСУМА ЗАФАРОВНА

**«ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИДА ЖУРНАЛИСТ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ
ЖАРАЁНГА ТАЪСИРИ»
(«Халқ сўзи» ва «Хуррият» газеталари, «Ахборот» кўрсатуви ҳамда ижтимоий
тармоқларда эълон қилинган журналист текширувлари мисолида)**

Мутахассислик: 5A220102

Халқаро журналистика (фаолият турлари бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва

ҳимояга тавсия этилди

Кафедра мудири

Н. Тошпўлатова

«_____» _____ 2019 йил

Илмий раҳбар:

филология фанлари

доктори Х. Дўстмуҳаммад

Тошкент – 2019

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет: Халқаро журналистика
(фаолият турлари бўйича)

Магистратура талабаси: Оққўзиева М

Кафедра: Халқаро журналистика
Назарияси ва амалиёти

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори
Х. Дўстмуҳаммад

Ўқув йили: 2018-2019

Мутахассислиги: 5A220102

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги: Магистрлик диссертациясида асосий эътибор журналист текширувида ахборот олишнинг турли усуллари, фаолиятнинг конуний кафолати ҳамда ҳукукий ҳужжатларда акс этмаган жиҳатлар, иш жараёнида журналист ва аудиториянинг психологик жиҳатларига қаратилди.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги: Мазкур магистрлик диссертациясида журналист текшируви жанри мисолида ахборот билан ишлашнинг психологик ўзига хосликлари тадқиқ этилган.

Ишнинг назарий ва методологик асослари: Назарий жиҳатдан ўрганиш ва фикрларни асослаш учун журналистикага оид илмий китоблар, ўзбек ва хориж мутахассислари томонидан ёзилган адабиётлар, дарслик, қўлланма, тўпламлар билан ишланди.

Ишнинг мақсад ва вазифалари: Ушбу магистрлик диссертациясининг мақсади журналист текширувининг асосий талабларини кўрсатиш, журналист текширувида ахборот олишнинг психологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш, журналист тутган йўл ва позициясини ўрганишни кўзда тутати.

Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти: Бу ишдан келгусида журналистика факультетларининг бакалавр ва магистрантлари журналист текшируви ва бошқа таҳлилий жанрларни ўрганишда ҳамда битирув малакавий ишларини ёзишда фойдаланишлари мумкин.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши: Кириш, 3 та мустақил боб, 9 та бўлим, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ

Факультет: Международная журналистика
(по виду деятельности)

Студентка магистратуры: Оккузиева М

Кафедра: Международная журналистика
теория и практика

Научный руководитель: доктор
филологических наук
Х. Дустмухаммад

Учебный год: 2018-2019

Специальность: 5A220102

АННОТАЦИЯ МАГИСТРАТСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ

Актуальность темы: Основное внимание данной магистерской работы сосредоточено на различных методах получения информации в журналистских расследованиях, рассматриваются правовые гарантии, которые не отражены в юридических документах, в процессе работы делается ударение на журналистику и психологические аспекты аудитории.

Научная новизна магистерской диссертации: в данной магистерской работе изучены психологические особенности информационной работы в жанре журналистских расследований.

Теоретические и методологические основы работы: Книги по журналистике были разработаны с помощью литературы, учебников, учебных пособий и сборников, созданных узбекскими и зарубежными экспертами для изучения теоретических знаний и идей.

Цель и задачи работы: Целью этой магистерской диссертации является показать основные требования журналистского расследования, сосредоточиться на психологических аспектах журналистского расследования, а также изучить путь и позицию журналиста.

Теоретическая и практическая значимость работы: исходя из этой точки зрения бакалавры и магистры факультетов журналистики могут использовать данные журналистские исследования и другие аналитические жанры для написания своих выпускных квалификационных работ.

Структура магистерской диссертации: в работа имеется введение, 3 независимых частей, 9 глав, заключение и списка литературы.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5-12
I БОБ. ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ — НАЗАРИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР	
1.1. «Журналист текшируви» нима? (Мавзуга қайтиб).....	13-21
1.2. Журналист фаолиятининг қонунчиликдаги муҳофазаси.....	22-28
1.3. Журналист текширувида жанр масалалари.....	29-40
II БОБ. ОАВЛАРДА ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ	
2.1. Босма нашрларда журналист текшируви.....	41-49
2.2. Телевидениеда журналист текширувини ёритишнинг психологик жиҳатлари.....	50-56
2.3. Ижтимоий тармоқларда журналист текширувининг ёритилиши...	57-59
III БОБ. МАНБАЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ	
3.1. Текширув жараёнида таҳлил маҳорати ва ҳужжатларнинг асосланганлиги.....	60-68
3.2. Журналист текширувида шахс феномени: позиция, психология, этика.....	69-77
3.3. Жамиятдаги муаммоларни ёритишда журналист текширувининг аудиторияга кўрсатадиган психологик таъсири	78-83
ХУЛОСА	84-88
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	90-92

КИРИШ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган улкан ўзгаришлар қаторида оммавий ахборот воситаларига ҳамда журналистика соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди, бир қатор самарали ислохотлар амалга оширилди. Ўзбек миллий журналистикаси ўзгача қиёфага эга бўла борди. Бу эврилиш, табиий, ёш ва навқирон авлод журналистлар фаоллигини янгидан-янги йўналишларга олиб кириш, уларнинг фикр доираларини кенгайтириш, ҳаётий позицияларини мустаҳкамлаш, ва албатта ўзбек журналистикаси тараққий этган мамлакатлар журналистикаси қаторига кўтарилишига муайян замин яратди.

Миллий оммавий ахборот воситалари тизимини замон талабларига мос тарзда ривожлантириш жараёнлари босқичма-босқич ва тадрижий амалга оширилмоқда. ОАВ тизимини янгилаш ўзига хос мураккаб ва серқирра жараён бўлиб, жамият учун ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва стратегик аҳамиятга эга масала. Чунки бир томондан жамиятда шаклланган қадриятлар ва мустақиллик йилларида кириб келган янгича бозор муносабатлари, иккинчи томондан ОАВ ва унда фаолият олиб борадиган журналистлар тафаккуридаги ўзгаришлар, учинчидан бугунги давр талаби жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотларнинг мамлакат аҳолиси онгига кўрсатадиган таъсири бу жараёнларга бевосита дахлдордир.

Оммавий ахборот воситаларида демократия, ошкоралик, сўз эркинлиги, холислик меъёрларининг сақланиши жамиятнинг ҳар бир аъзоси маънавиятидагина эмас, балки бутун жамиятнинг илгарилаб бориши учун заминдир. Эркин матбуот жамиятдаги ҳар қандай мақомдаги иллатни, камчиликни, риёни, зараркунандаликни очиб ташлаши билан бутун жамиятни ўша салбий ҳодисага диққатини тортади, бу билан уни бутун жамиятдан суғуриб ташлаш учун ҳаракатни бошлаб беради.

Жумладан, дейлик, маъмуриятчилик авж ола бошлади. Журнализм буни ўзининг зийрак ходимлари воситасида пайқаш билан бирга, унинг ҳар қандай мақомдаги асосларини кўрсатиб беради ва унга қарши кишиларда кайфият уйғотади. Бу билан у жамиятга ҳам маънавий, ҳам моддий фойда келтиради.

Дарҳақиқат, журналистнинг бош вазифаси кенг оммани ҳаёт ҳақиқатларидан воқиф этишдир. Хусусан, «Журналист текшируви» йўналишига ихтисослашган журналистлар жамият эътиборидан четда қолаётган ғайриқонуний ва носоғлом ҳолатларни фош этиш, уларни кенг жамоатчилик кўз ўнгида гавдалантириш, жамият равнақига путур етказаётган муаммолар устида қайғурадилар.

Албатта, бу ҳолат журналистнинг феъл-атвори, касбий принсларига таъсир этмай қолмайди. Жараённинг қандай яқун топиши журналистнинг инсоний, фуқаровий ва касбий позициясига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, текширувчи журналистдан етук ШАХС мақомида иш юритиш талаб этилади. «Журналистлардан айримларида катталарга ёқишга интилиш мойиллиги бўлади. Бундай ҳолда тадқиқот ўтказаётган журналист психологик жиҳатдан «ижобий» ахборотлар олиш учун, уни тўплаш учун амал қилиши зарур бўлган усулни гапирмай қўя қолайлик. Негаки, у кайфиятни сал мослаштира – бўлди, қолгани ўз-ўзидан шунга мувофиқ кетаверади: мавзу керакли нуктаи-назардан ўрганилади, саволлар ҳам исталган натижага мослаброк тузилади, жавобларнинг вариантлари ҳам «ўйлаброк» танланади».¹

Оммавий ахборот воситалари мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва холис ифодалашга қодир бўлиши, фуқаролик жамиятини қуришда фаол иштирок этмоғи лозим. Бу оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуотда чоп этилаётган журналист текширувларида ҳам намоён бўлади. Долзарб муаммони кўтариб,

¹ Ф.МЎМИНОВ. Социология ва журналист фаолияти. Т., «Университет», 1995, 6-бет.

ечимдаги таклифини тақдим этган материал газетага муштарийларни жалб этишда етакчи омил бўлиб хизмат қилади. Бу газета ададининг ошиши, аудиториясининг кенгайиши, нашрнинг қўлма-қўл бўлишидек самарали натижани беради. Журналистик текширувларни чоп этишга яхши эътибор берган нашр вақт ўтиши билан аудитория ишончини қозониб, улар олдида ўз имижини яратади. Халқ муаммолари ечимини улардан кутадиган, журналистикага умид, ишонч ва ҳурмат билан қарайдиган бўлади. Зеро, бу ҳар бир оммавий ахборот воситасининг бош мақсади ва кутадиган натижасидир.

Охирги ўн йилликда жаҳон журналистикаси назарияси ўз концепциясини бир мунча ўзгартирди. Журналистика замондан келиб чиқиб айтилган «жамоавий тарғиботчи», «ташвиқотчи», «ташкилотчи» мақомларидан «тўртинчи ҳокимият» мақомига кўтарилишдек мавқега эга бўла борди. Журналистика ривожлангани сари социология, имижология соҳаларига яқинлаша борди. Ахборот асрида ахборот урушларининг асосий иштирокчиси ҳам оммавий ахборот воситасига айланди.

Мавзунинг долзарблиги. Демократик жамиятларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам журналистик фаолиятни эркин йўлга қўйиш, цензурага йўл қўймаслик, демократик тамойилларга амал қилиш мустақиллик йилларида, айниқса, илгарилади.

Журналист суриштируви жамиятдаги демократия ҳолатининг кўрсаткичларидан бири сифатида кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ҳокимият тармоқлари орасида мувозанат тамойилига эришиш воситаси ҳисобланади.

Аммо шундай вазиятлар бўладикки, уни на қонунчилик меъёрлари, на миллий мезонлар ҳал эта олади. Ҳар қандай жараёнларда баъзан турли меъёрлар, тартиб-қоидаларни тан олмайдиган, инсоннинг ақли ва одобига бўйсунмайдиган омиллар орқали турли йўсиндаги муаммолар, чигалликлар юзага келадикки, уларни юқорида таъкидланган қонунлар

доирасига «сиғдириб» бўлмайди. Зеро, ҳаёт манзаралари ҳар қандай қонун ҳужжатларидан кенгдир. Жумладан, инсон психологияси билан боғлиқ масалалар ғоятда мураккаблиги билан ўзига хос. Ҳар соҳанинг ўз табиати бўлгани сингари журналистиканинг ҳам психологик олами–руҳий дунёси ниҳоятда кенг ва бепоён. Бунда ОАВнинг аудитория билан муносабатлари, шунингдек, журналистнинг ўзи фаолият кўрсатадиган таҳририят билан, ўз қаҳрамони билан бўладиган муносабатлари унинг жамиятдаги мақомини, мавқеини таъминлаш, уларда муҳим аҳамият касб этади. Биргина журналист материалининг асоси бўлган ахборот билан ишлашнинг психологик жиҳатлари ўзига хос. Ахборот олишдаги турли вазиятлар, ҳодисалар ҳам унинг психологик табиатига тааллуқли.

Магистрлик диссертациясида асосий эътибор журналист текширувида ахборот олишнинг турли усуллари, фаолиятнинг қонуний кафолати ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларда акс этмаган жиҳатлар, иш жараёнида журналист ва аудиториянинг психологик жиҳатларига қаратилди. Зеро, текширув жараёнида қарийб ҳар «қадам» ва ҳар лаҳзада муаллиф лаёқати, иқтидори, диди, салоҳияти ўзига хос синовдан ўтади, бошқача айтганда, текширувнинг қай даражада якунига етишида, самарасида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Оммавий ахборот воситалари мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва холис ифодалашга қодир бўлиши, фуқаролик жамиятини қуришда фаол иштирок этиши лозим. Бунда журналист маҳорати, ахборот олиш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва етказишнинг замонавий усулларида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этгани ҳам магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги шундаки, журналист текшируви шу пайтгача журналистика назариясининг бир жанри сифатида ўрганилган. Ишда эса бош мавзу ва асосий аспект –

журналист текшируви олиб бориш жараёнларида муаллиф психологияси. Юқорида таъкидланганидек, текширув муваффақияти кўп жиҳатдан журналист психологияси «кўрғони»га бориб тақалади. Ушбу «кўрғон»ни атрофлича таҳлил ва тадқиқ этиш ишимизнинг илмий янглигини белгилаб беради.

Журналистик суриштирувни жанр сифатида юзага келиши ва ривожланишига доир тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Собиржон Ёқубовнинг қатор мақолалари диққатга сазовор. У ўз изланишлари давомида журналист текширувининг келиб чиқиш тарихи, жанр сифатида ривож топиши ва халқаро тажрибалар хусусида алоҳида тўхталиб ўтган.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида таҳсил олган Д.Алимова 2011 йилда «Журналист текширувида ахборот билан ишлашнинг психологик жиҳатлари» («Хуррият» ва «Совершенно секретно» газеталарининг 2010-2011 йиллардаги сонлари мисолида) номли магистрлик диссертациясини ҳимоя қилган. Диссертацияда текширув жараёнида журналист психологиясидаги ўзгаришлар ва унинг жараёнга таъсири алоҳида ўрганилади. Бир қатор назариётчилар томонидан бу жиҳатнинг тадқиқот даражасида ўрганилиши таклифи этилган. Жумладан, филология фанлари доктори Хуршид Дўстмуҳаммад журналист текшируви чоғида журналистнинг психологиясида кечадиган руҳий ҳолатлар ва унинг бевосита фаолиятга таъсири муаммосини ўрганишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган².

Мазкур тадқиқотда эса, оммавий ахборот воситаларида журналист текширувининг турлича ёритилиши, унда журналистларнинг қай тарзда йўл тутиши борасида фикр юритилади. Зеро, бугунги кунга қадар матбуотда, телевидениеда ва ижтимоий тармоқларда ёритиб келинаётган журналист текширувлари бир-биридан мутлақ фарқ қилади. Уларнинг ҳар

² Х. Дўстмуҳаммад. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил (Монография) Т.: «Янги аср авлоди», 2007, Б.167.

бирига журналист алоҳида ёндашиши керак бўлади. Диссертацияда ана шу масалаларга кенг ўрин берилган.

Бундан ташқари, шу пайтгача журналист текшируви жанрининг ўзи ўрганилган холос, ахборот билан ишлаш психологияси тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Мазкур магистрлик диссертациясида журналист текшируви жанри мисолида ахборот билан ишлашнинг психологик ўзига хосликлари тадқиқ этилган.

Ишнинг назарий ва методологик асослари. Ишнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонун ва қонуности ҳужжатлари, жумладан, оммавий ахборот воситаларига оид қонунлар ташкил этади.

Назарий жиҳатдан ўрганиш ва фикрларни асослаш учун журналистикага оид илмий китоблар, ўзбек ва хориж мутахассислари томонидан ёзилган адабиётлар, дарслик, қўлланма, тўпламлар билан ишланди. Журналист текширувига амалий мисоллар келтириш учун ўзбек ва хориж матбуоти, Интернет тармоғига мурожаат қилинди.

Ўрганилиш объекти қилиб олинган «Хуррият» ва «Халқ сўзи», «Адолат» газеталарининг материалларига мурожаат қилинди.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Ушбу магистрлик диссертациясининг мақсади журналист текширувининг асосий талабларини кўрсатиш, журналист текширувида ахборот олишнинг психологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш, журналист тутган йўл ва позициясини ўрганиш, таҳлил этиш, хорижий ва миллий журналистикадаги журналист текшируви жанри психологиясининг ўзига хосликлари, мураккабликлари ва ахборот самарадорлигига кўрсатадиган таъсири бўйича муайян хулосаларга келишдан иборат. Ишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- журналист текширувининг фуқаролик жамиятини ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрини шакллантириш вазифасини амалга оширишдаги ўрнини кўрсатиш;

- журналистнинг текширув олиб боришдаги фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари ва чегараларини тадқиқ этиш;

- жамиятда текширувнинг ҳокимият органлари ва аудиторияга таъсир кўрсатиш даражасини ўрганиш;

- журналист текширувида касбини ўзгартириш усулининг ижобий ва салбий томонларини очиқ бериш.

Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Магистрлик диссертацияси доирасида ахборот олиш эркинликларининг миллий ва халқаро ҳуқуқий меъёрлари, уларнинг конституциявий кафолатларига оид қонун ва меъёрий ҳужжатлар, журналист фаолиятига оид ўзбек ва хорижий адабиётлардан фойдаланилганлиги, матбуотдан амалий мисоллар келтирилгани, янги фикрларнинг мавжудлигини инобатга олиб, бу ишдан келгусида журналистика факультетларининг бакалавр ва магистрантлари журналист текшируви ва бошқа таҳлилий жанрлар, ахборот хавфсизлиги, журналистиканинг ҳуқуқий асослари, журналист психологиясини ўрганишда ҳамда битирув малакавий ишлари ва илмий мақолалар ёзишда фойдаланишлари мумкин.

Ишнинг концепцияси. Журналист текширувида ахборот билан ишлашнинг психологик жиҳатлари икки омил: журналист ва аудитория психологияси асосида ўрганилади. Текширув олиб боровчи журналистнинг профессионал маҳорати кўпинча ноодатий усуллар билан ахборот олишда кўринади. Ахборот олишнинг аудитория кайфиятига кўрсатадиган психологик таъсири, респондентнинг психологик ҳолати ва интервью бериш маданиятининг даражаси журналист текширувида эътибор марказидаги масалалардандир.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши кириш, 3 та мустақил боб, 9 та бўлим, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

I бобда асосан журналист текширувининг моҳияти, текширув олиб боришда журналистдан талаб этиладиган ҳуқуқий ва ахлоқий мезонлар, журналист психологияси ва маҳорати ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, журналист текширувига ўхшаш жанрларда ёзилган матбуот материалларидан амалий мисоллар келтирилади.

II бобда журналист текширувининг оммавий ахборот воситаларида турлича ўрганилиши, уларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатларига тўхталиб ўтилади.

III бобда эса, журналист текширувлари, уларда жамиятдаги муаммоларнинг олиб чиқилиши, журналист ёндашуви қиёсий таҳлил қилинади. Бундан ташқари, мазкур бобнинг бўлимларида журналист текширувида касбини ўзгартириш, бу усулдан фойдаланиб ёзилган мақолаларга кенгроқ тўхталиб ўтилади. Журналистик материалларнинг аудиторияга таъсири масалаларига эътибор қаратилади.

I БОБ. ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ: НАЗАРИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

1.1. «Журналист текшируви» нима? (Мавзуга қайтиб)

Бу саволга турли манбалардан турлича жавоб топиш мумкин. Ушбу жанр тарихида бурилиш ясаган Уотергейт ишидан кейин ўтган ярим асрлик даврдан сўнг на жамоатчилик, на журналистларнинг ўзи мазкур саволлар бўйича ягона фикрга кела олмаяпти. Бу борада жаҳон тажрибасини умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни айтиш мумкин.

Журналист текшируви кенг жамоатчилик назаридан пинҳон қолаётган ҳолатларни, яъни ҳокимиятга эга шахслар томонидан ёки тақдир тақазоси билан атайлаб яширилган воқеаларни фош этишни кўзда тутди. Уни ўтказиш учун ҳам очик, анъанавий, ҳам ноанъанавий, шу жумладан яширин манбалар ва ҳужжатлардан фойдаланиш зарур бўлади.

«Журналист текширувининг юзага келиши ва шаклланиши Америка матбуотининг пайдо бўлиши билан бир вақтга тўғри келади. Кўпчилик мутахассислар Америка жамиятининг ҳозирги даражада тараққий этишида текшириш материаллари муҳим ўрин тутганини таъкидлашади. Ҳақиқатан ҳам ўтган асрлар давомида журналистлар томонидан энг долзарб мавзуларда ўтказилган текширувлар ҳокимиятнинг қуйи бўғинларидан тортиб, энг юқори «эшелон»ларига қадар таъсир этади. Ушбу йўналиш ижтимоий-сиёсий муаммоларни кўтариб чиқиш, тараққиётга ғов бўлаётган нуқсонларни бартараф этиш, пировардида эса мамлакатда демократик қадриятларни қарор топтиришга кўмак беради. Текширув журналистикаси Америкада ОАВнинг «тўртинчи ҳокимият» мақомига эришувини ҳам таъминлади.³

Бу Қўшма Штатлар журналистикасининг кечаги куни манзараси эди. Хўш, бугунги кунда текширув журналистикасининг аҳволи қай даражада? ОАВ тизимига кириб келаётган янги мезонлар ушбу йўналишга қандай таъсир қилмоқда?

³ С. Ёқубов. Ўзбекистон матбуоти. Т.: 2008 йил, 5-6 сон. Б. 64-67

Аслида журналистиканинг «тўртинчи ҳокимият» сифатидаги функцияси ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари қонунчиликка нечоғли риоя этаётгани, халқ томонидан берилган ваколатлар ва мажбуриятларга қанчалик содиқ қолаётганини назорат қилишга асосланган. Бу билан оммавий ахборот воситалари қонун чиқарувчи, суд ва ижроия тармоқлари устидан ижтимоий назоратни амалга оширади. Бошқарув идораларининг халқ олдида ҳисоботдорлигини ёдга солиб туради. Ана шу муҳим функциялардан келиб чиқиб, Америка журналистикасида текширувларга жуда катта аҳамият бериб келинган.

«Ўзбек журналистикаси тарихида ҳам суриштирув унсурларини кўриш мумкин. Маълумки, 1898 йили Андижонда Муҳаммадали Эшон (Дукчи Эшон) бошчилигида чор тузумига қарши ғалаён кўтарилади. Ушбу ҳаракат бирор-бир ташкилий кучга ёки ҳарбий қудратга эга эмасди. Исёнчилар тартибсиз равишда ҳаракат қилади ва охир-оқибатда, улар мағлубиятга учрайди. Дукчи Эшон ва унинг 19 нафар тарафдори қатл этилади. Исёнчиларнинг кўпчилиги ҳибсга олиниб, Сибирга сургун қилинади. Бу ҳақда 1898 йилда андижонлик тарихчи Фозилбек Отабек ўғли «Дукчи Эшон тарихи» ҳужжатли китобини ёзади. Илк бор ушбу китоб 1992 йилда Чўлпон номидаги нашриётда чоп этилади.

Мазкур асар кўп жиҳатларига кўра суриштирув материалига яқин. Муаллифнинг ўзи Дукчи Эшон қатлининг гувоҳи бўлгани боис, ғалаён тафсилотлари муфассал тарзда тасвирланган. Бу унга ўлкадаги ҳаётнинг тарихий контекстини кенгайтирилган тарзда тиклаш имконини берган. Муаллиф исёнга тайёргарлик бўйича йиғилишларда қатнашган кишиларнинг гувоҳликлари ҳамда ушбу воқеа муносабати билан чор ҳукумати томонидан қабул қилинган ҳужжатлар асосида ўша давр манзарасини тиклайди. Исённинг бевосита ташкилотчилари ким эди? Уларнинг мақсади нимадан иборат бўлган?» Исёнга муайян тарзда тайёрланган одамлар нега тўсатдан мағлубиятга учради? Дукчи Эшон ва

унинг тарафдорларининг тақдири қандай кечди? Муаллиф ушбу саволларнинг барчасига тарихий ҳужжатлар ва воқеалар иштирокчиси бўлганларнинг гувоҳликларига таянган ҳолда жавоб берди. У китоб устида ишлар экан суриштирувнинг интервью, кузатув, ҳужжатлар билан ишлаш каби асосий усулларидадан фойдаланади.⁴

Шуни айтиш мумкинки, Россия телевидениесидаги дастурлардан бирида келтирилган журналист суриштирувининг куйидаги тавсифи бизга аниқроқ ва ишончлироқдай бўлиб кўринади: «Чистые перья» дастури доирасида журналист суриштируви тушунчаси остида ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ва кенг маънодаги коррупция билан боғлиқ долзарб мавзу бўйича олиб борилган батафсил ва тўлиқ суриштирувни тушунамиз. Бундай мавзу бўйича мустақил текширув олиб бораётган журналист асосий қуроли оммавий ахборот воситалари бўлган фуқаролик жамияти номидан ҳаракат қилади. Текширувнинг мақсади — ҳокимият ва бизнес тузилмалари, уюшган жиноятчилик ўртасидаги яширин ва ноқонуний алоқаларни ошкор этиш, мамлакат, минтақа, соҳа, ҳокимият органи, йирик ишлаб чиқариш объекти ёки бизнесдаги сиёсий ва молиявий вазиятни шаффоф қилишдан иборат.

Журналист текширувларининг мавзуси турлича бўлишига қарамай, уларнинг асосий қисми ҳали мутасадди органлар томонидан аниқланмаган жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларга бориб тақалади. Бу эса жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муаммоларга мослаб талқин қилинади. Умуман олганда, профессионал даражадаги журналист текшируви учун илк ва муҳим омил мавзу, уни тўғри танлаш эмас, балки унга ёндашув, қандай очиб беришдадир. Чунки арзимасдек кўринган мавзунини олиб чиқиб ҳам уни аудитория кўз олдида долзарб даражага етказиш кузатилган.

⁴ Я. Маматова, С. Сулайманова. Ҳақиқат излаб: Ўзбекистонда журналист суриштирувининг самарадорлиги омиллари (Ўқув қўлланма). Т.: «Extremum-Press» нашриёти, 2015 йил. 16 б.

Журналист текширувидан кўзда тутилган бош муддао – жамиятнинг бирор соҳасидаги, жабҳасидаги мавжуд муаммога кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш. Матбуот сўзининг эркинлиги ҳам, цензуранинг йўқлиги ҳам, жамият ахборотлашган ва фуқаролик жамиятига айланаётганининг муҳим белгилари, талаблари ҳам шундан иборат.

«Минг хил найранг ишлатиб, ахборот бермасликка уриниш ҳолатларига жамиятимизда буткул барҳам берилди, деб айтолмаймиз. Аслида ўта зарур ахборотни вақтида ва тўқис ола билиш маҳоратини тиш суғурувчи стоматолог шифокор маҳоратига қиёслаш мумкин. Қолаверса, раҳбарлар билан учрашиш, суҳбатлашиш, савол-жавоб қилиш маданияти ва маҳоратини ўзлаштирмай туриб (бу ўринда журналистдаги инсоний ва касбий одоб, маданият маҳорати туташиб кетади) журналист текширувини эплайман, деган журналист янглишади.»⁵

Австралия журналистикасида урушдан кейинги пайтда олиб борилган бир журналистик текширув алоҳида ўринга эга. 1946 йилда «Мельбурн геральд» газетаси руҳий касалликлар шифохонасидаги шароит бўйича жиддий журналист текшируви ўтказган. Газета мухбири Денис Уорнер «Руҳий касалликлар шифохонасидаги даҳшатли шароит» сарлавҳали 4 қисмли мақола ёзган. Текширув объекти сифатида танланган госпиталда журналистни шифокорлар ҳам қўллаб-қувватлаган ва кузатув учун шароит яратган. Мазкур масала журналистикада машҳур мавзуга айланди ва бошқа – Билл Типинг исмли журналист томонидан ҳам мақола ёзилди. Муаммонинг тўлиқ кўтарилиши ислохотларни бошлаб берди. Парламентда соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш бўйича муҳокамалар олиб борилди. Газета бош муҳаррири Сесил Эдвардс «Яхши газета аҳоли ҳаёти билан фаолият юритади. У муаммоларни ёритиш орқали

⁵ Х. Дўстмуҳаммад. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил (Монография) Т.: 2007. «Янги аср авлоди», 166 б.

аудиторияни ҳақиқатни англаш учун йўналтиришга тайёр бўлиши керак», деб хулоса чиқарган ва шундай кўрсатма берган⁶.

Россия журналистикасида «Журналист текшируви» рукни 1990 йилдан бошлаб матбуот юзини кўрган. Бу пайт текширув олиб борувчи журналистлар ҳуқуқий жиҳатдан ва ахборот манбалари билан қўллаб-қувватланмаган, ҳеч бўлмаса таҳририят унга хайрихоҳлик билдирмаган. Шунинг учун ҳам журналист текшируви тарихан журналистнинг шахсий ташаббусига асосланган жанрдир. Бугунги кунга келиб журналист текшируви учун имконият берилган, ҳуқуқий кафолатланган ва таҳририят томонидан қўллаб-қувватланадиган бўлса-да, аксарият ҳолларда журналист мавзуга ўз хоҳиши ва ташаббуси билан қўл уради.

«Ньюс дей» газетаси ходими Роберт Грин журналист текширувига қуйидагича таъриф берган: «Журналист текшируви журналистнинг мустақил иши ва ташаббусига асосланган материал. Унга маълум бир шахс ёки ташкилотлар томонидан сир тутилаётган воқеа-ҳодисалар мавзу қилиб олинади. Сирни ошкор этишдан мақсад, албатта, жамоатчилик манфаатини ҳимоя қилиш бўлиши керак. Яхши журналист текшируви уч хусусиятга эга бўлиши керак: бошқа журналист кўтармаган мавзунини танлаши, мавзунинг муҳимлиги, жамоатчиликдан сир тутилаётган фактларни фош этиш.»⁷ Журналистлар фош этадиган муаммо кўпинча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий характерга эга бўлади. Тўғри, журналист текшируви мавзу, миқёс жиҳатидан чекланмайди. Муҳими, у энг аввало жамият учун, кенг жамоатчилик ҳаёти учун жиддий аҳамиятга эга мавзудан, муаммодан сўз очгани билан қадрланади, муаллифнинг нияти ва ҳолислиги нуктаи назаридан аҳамиятга эга бўлади.

⁶ Актуальные вопросы развития партийной прессы Узбекистана. 3-й выпуск. Институт по изучению гражданского общества. Т.:2011. С.17.

⁷ Актуальные вопросы развития партийной прессы Узбекистана. 3-й выпуск. Институт по изучению гражданского общества. Т.: 2011. С.16.

«Лондонда чиқадиган «Observer» газетасининг еткази ходими Дэвид Рендалл эса журналист текшируви қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради, деб ҳисоблайди: бу кўпинча «хом» материал билан ишлайдиган репортёрлар томонидан олиб бориладиган тадқиқотлардир. У кўплаб интервью олиши ёки фактлар ва рақамларни тўплаб, солиштириши мумкин. Балки иш ҳажми бир эмас, бир нечта репортёрнинг саъй-ҳаракатини талаб қиларди. Журналист текшируви кундалик иш тугайдиган жойда бошланади. У амалдорларнинг сир бой бермаслиги ва маълумот тақдим қилишни рад этишларига эътибор қилмайди. Журналист суриштирувининг мақсади зарур маълумотни албатта олишдир. У ҳар қандай мавзуда ва ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай соҳасида бўлиши мумкин. Унинг учун, айниқса, икки кенг соҳа унумли ҳисобланади. Биринчиси – турли йўллар билан жамоатчилик назаридан яширилган ташкилотлар ва фаолиятлар турлари. Иккинчиси, тўсатдан жамиятнинг диққат эътиборига тушиб қолган, бир зумда турли миш-мишлар, можароли воқеалар ва ҳатто, афсоналар тўқиб чиқариладиган одамлар ва муассасалар. «Тез бойиб кетадиганлар» тоифасига кирувчи компаниялар ва молиявий муассасалар журналистлар «титиб кўриши» керак бўлган фавқулодда бой «балчик»дир.⁸

Қисқа қилиб айтганда, журналистлар ўз фаолияти давомида ҳам кундалик янгиликларни, ҳам текширувларни ёритиш билан шуғулланадилар. Гоҳида бу икки рол ҳам турли қобилиятларни, ишлар кўникмалари, услублари ва мақсадларини кўзда тутди. Уларнинг орасидаги фарқлар қуйида келтирилган жадвалда берилган. Ушбу тафовутларни аниқ ва муросага келмайдиган зиддиятлар сифатида тушунмаслик лозим. Бу маълумотлар қуйидагилардан далолат беради: масалан, муайян вазият чап устунда тақдим этилган мезонларга кўпроқ

⁸ Рэндалл Д. Универсальный журналист. Пер. с англ. – Алматы: Центральноазиатская школа молодых журналистов, 1996. – С.145

мос келса, бу журналистнинг оддий репортаж билан шуғулланаётганини билдиради; вазият жадвалнинг ўнг устунига яқинлашгани сари журналистнинг ҳаракатлари ҳам кўпроқ текширувга ўхшай бошлайди.

Анъанавий журналистика	Журналист текшируви
Тадқиқот	
Ахборот муайян темпада тўпланади ва хабар қилинади (ҳар куни, ҳар ҳафта, ҳар ойда).	Ахборотнинг боғланганлиги ва тўлиқлиги аниқланмагунча чоп этилиши мумкин эмас.
Тадқиқот тезкорлик билан амалга оширилади. Материални тайёрлаш ишлари якунланиши билан кейинги тадқиқот ишлари олиб борилмайди.	Тадқиқот бутун воқеа тасдиқланмагунча давом этади ва у чоп этилганидан кейин ҳам давом этиши мумкин.
Материал ахборотнинг зарур минимумкига асосланади ва жуда қисқа бўлиши мумкин.	Материал олинishi мумкин бўлган максимум ахборотга асосланади ва жуда узун бўлиши мумкин.
Ахборот манбаларининг баёноти ҳужжатларнинг ўрнини босиши мумкин.	Материал ахборот манбаининг баёнотини тасдиқлашга ёки рад этишга қодир ҳужжатлар бўлишини талаб этади.
Ахборот манбалари билан ўзаро муносабатлар	
Манбаларнинг ҳаққонийлик презумпсиясидан келиб чиқади, кўп ҳолларда улар текширилмайди.	Манбаларнинг ҳаққонийлик презумпсиясидан келиб чиқади, кўп ҳолларда текширилмайди.
Расмий манбалар ўзи ҳақида билдириш мақсадида ёки ўз мақсадлари йўлида журналистга ахборотни эркин тақдим этади.	Расмий ахборотнинг ошкор этилиши ҳукумат органлари ёки институтларининг манфаатларини обрўсизлантириши мумкинлиги туфайли у журналистдан яширилади.
Журналист мавзунинг расмий талқинини қабул қилишга мажбур, аммо унга бошқа манбалардан олинган изохлар ва фикр-мулоҳазаларни қарши қўйиши ҳам мумкин.	Журналист мустақил манбалардан олинган маълумотларга таянган ҳолда, мавзунинг расмий талқинига очиқ шубҳа билан қараши ёки уни рад этиши мумкин.

Журналист манбаларнинг кўпчилиги ёки барча манбаларга қараганда камроқ миқдордаги маълумотга эга бўлади.	Журналист манбаларнинг кўпчилиги ёки барча манбаларга қараганда камроқ миқдордаги маълумотга эга бўлади.
Манбалар деярли ҳар доим айтиб ўтилади.	Аксарият ҳолларда манбалар, уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида айтилмаслиги мумкин.
Натижалар	
Репортажга оламнинг тасвири сифатида қаралади. Журналистнинг натижа олишга бўлган умидлари жамоатчиликни хабардор қилишдан нарига ўтмайди.	Журналист олами бор нарса сифатида қабул қилишдан бош тортади. Материал муайян вазиятнинг моҳиятига кириб боришга ёки уни ўзгартириш, қоралаш ёки қатор ҳолатларда, муқобил сифатида таклиф этиш мақсадида уни фож этишга қаратилади.
Репортаж журналистнинг шахсий қизиқишини талаб этмайди.	Материал журналистнинг шахсий қизиқишисиз ҳеч қачон яқунланмаслиги мумкин.
Журналист ҳолис, ҳаққоний бўлишга ҳаракат қилади ва репортаж иштирокчиси бўлган у ёки бу тараф фойдасига айтиладиган фикрлардан ўзини тияди.	Журналист воқеа фактлари борасида ҳалол ва пухта бўлишга интилади ва шу асосида ўз текшируви доирасида қурбонлар, қаҳрамонлар ва ҳуқуқбузарларни белгилаши мумкин. Бундан ташқари, журналист мазкур мавзу бўйича ўз ҳукмини ёки ҳулосасини таклиф этишга ҳақли.
Репортаж қай даражада таъсирчан эканлиги муҳим роль ўйнамайди. Воқеа хотимага эга бўлмайди, чунки янгиликлар узлуксиз равишда бир-бирининг ўрнига келиб туради.	Материалнинг таъсир қилиш даражаси уни таъсирчан қилиб тайёрлашга боғлиқ бўлиб, журналист манба асосида чиқариладиган ҳулосани тақдим этади.
Журналист баъзида хатоликларга йўл қўяди ва улар, одатда, муҳим рол ўйнамайди.	Йўл қўйилган хатолар журналистни турли расмий ва норасмий санкцияларга дучор қилиши ва бу журналист ҳамда оммавий ахборот воситасига

	бўлган ишончни йўқ қилиши мумкин.
--	-----------------------------------

Юқоридаги жадвал асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, суриштирув оддий журналистикага қараганда каттароқ ҳажмдаги ишни кўзда тутди. Бу ҳақиқат ҳам суриштирувнинг ҳар бир босқичидаги катта, пухта ва синчиковлик билан бажариладиган, шу билан бирга, хавфли ва қизиқарли меҳнатни англатади. Бундан ташқари, текширув жамоатчилиги учун ҳам, журналистнинг ўзи учун ҳам анча кўп натижаларни олиб келади.

«Журналист текшируви нима?» саволига атрофлича ва мукаммал жавобни ҳаётий мисоллар ёрдамида ҳам топиш мумкин. У турли жойларда (мамлакатларда), турли миллий ўзига хос шароитларда турлича кўринишга эга бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шундай бўлган тақдирда ҳам, журналист текширувининг моҳияти, мақсади, аҳамияти ўзгармайди. У ҳар қандай миллий матбуотнинг салмоқли жанри бўлиб қолаверади.

1.2. Журналист фаолиятининг қонунчиликдаги муҳофазаси

Барча соҳалари каби оммавий ахборот воситаларини замон талабларига мос тарзда ривожлантириш жараёнлари ҳам босқичма-босқич ва тадрижий амалга оширилмоқда. ОАВ тизимини янгилаш ўзига хос мураккаб ва серқирра жараён бўлиб, жамият учун ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва стратегик аҳамиятга эга масала. Чунки бир томондан жамиятда шаклланган кадриятлар ва мустақилликдан кейинги янгича бозор муносабатлари, иккинчи томондан ОАВ ва унда фаолият олиб борадиган журналистлар тафаккуридаги ўзгаришлар, учинчидан бугунги давр талаби жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотларнинг мамлакат аҳолиси онгига кўрсатадиган таъсири бу жараёнларга бевосита алоқадордир.

Дарҳақиқат, журналистлар ўз касбининг ижтимоий аҳамиятини, жамият демократик тизимини, давлатнинг фуқаролар фикри ва иродаси билан барпо этилиши ҳамда уларнинг манфаатларига хизмат қилишини таъминлаш учун масъулиятни чуқур англаши зарур. Шу билан бирга демократик жараёнларда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари, аввало сўз эркинлиги, ахборот эркинлиги, ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатларини оммавий ахборот воситаларида эркин ифода этиш орқали белгиланади.

Журналистнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий ва онгли равишда муносабатда бўлиши кўп жиҳатдан жуда зарурдир. Сўз – кучли қурол, қонунчилик журналистларга бу қуролдан фойдаланиш ҳуқуқини бериши билан бирга, ундан эҳтиёткор бўлиб ишлатиш, шахсий манфаатлар йўлида, ғайриқонуний тарзда фойдаланмаслик масъулиятини ҳам юклайди. Агар журналистларга, уларнинг ҳақ сўзларига ноҳақ тажоввузлар бўлса (бундай тажаввузлар ҳамиша юзага келиб туради)

уларни ҳуқуқий йўл билан ҳал этишга ўрганиши, шунга яраша билими ва тажриба орттириши зарур.

Жамиятдаги сўз эркинлигини таъминлашнинг муҳим бир жиҳати борки, бу журналистнинг шахсан ўзига боғлиқ. Яъни, гап журналистнинг ҳуқуқий маданияти ва ахлоқий онгига тааллуқли жиҳатлар хусусида боради. Журналистлар жамиятда юз бераётган ҳодисалардан, хавфли ҳолатлардан огоҳлиги учун, матбуотда ижтимоий уйғоқ фикрни шакллантириш учун имкон қадар ўз ўринларини билиб, беҳато ишлашлари керак. Чунки ОАВда тарқатилган нотўғри, асосланмаган ахборот, буюртма материаллар, пул учун енгил-елпи ишларни қилиш, нафақат муайян журналистга нисбатан, балки бутун ОАВга нисбатан, қолаверса, жамиятдаги сўз эркинлигига нисбатан ишончни сўндиради.

Журналистика тезкорликни талаб қиладиган фаолият соҳасидир. Ахборотни тезроқ етказишни ўйлаб шошма-шошарлик қилиб бўлмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам ахборотнинг тўғрилигини имкон қадар текшириш лозим. Бунда айниқса, журналистга «шов-шув»ли маълумотларни берадиган шахсларнинг асл мақсадларини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Амалиётда гарчанд журналистга нисбатан эркин одам, ахборот олиш учун жамиятнинг барча муассасаларига киришга ҳуқуқи бор, у «халқнинг виждони» деган атамалар қўлланса-да, бу журналистга ҳамма нарса мумкин дегани эмас, албатта.

Маълумки, ахборот журналистика учун ҳаётий зарурат. Қолаверса, ахборот олиш бутун дунёда журналистлар фаолиятининг энг муҳим муаммоси ҳисобланади. Аммо уни осонликча қўлга киритиб бўлмайди. Журналист бирор бир объектга ахборот олиш учун мурожаат қилса, ундан фуқаролик шахсини тасдиқловчи ҳужжат – паспортдан ҳам олдин журналистлигини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади. Ушбу ҳужжат журналистнинг ҳуқуқий мақомини белгилайди. Ахборот олишлари учун

журналист биринчи навбатда ҳуқуқий мақомга эга бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасининг «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида ушбу ҳуқуқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, «Журналист Ўзбекистон Республикасининг ёки хорижий давлатнинг бирор бир оммавий ахборот воситасида хизмат қиладиган ёки уларда шартнома асосида ишлайдиган ва маълум мавзудаги ахборотни тўплаш, таҳлил этиш ҳамда тарқатиш билан шуғилланувчи шахсдир», дейилган. Бундан ташқари касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида журналистлар амал қилиши зарур бўлган мажбуриятлар ҳам бор. Ушбу мажбуриятлар Ўзбекистон Республикасининг «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, журналист қонунларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига амал қилиши, ўзи тайёрлаган материалларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши, айбсизлик презумпциясига амал қилиши, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт. Шу билан бирга, журналист ўз касбига доир ахборотлардан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмаслиги, ахборот манбаи ёки муаллифнинг розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлари эълон қилиши мумкин эмас.

Журналистларга нисбатан «ҳақиқат жарчилари» деган баҳонинг берилиши бежиз эмас, албатта. Жамиятга зарур ахборотни етказиш, жамоатчиликни содир бўлган воқеа-ҳодисалардан хабардор қилишда журналистлар амал қиладиган мезонлар ичида энг муҳимларидан бири бу — ҳаққонийлик тамойилидир. Журналист ўзи кўрган, гувоҳи бўлган воқеани қандай бўлса шундайлигича, манбаларни текшириб, уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина оммага етказиш бу тамойилнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Унга амал қилиш чоғида журналист ўзи билиб-билмаган ҳолда кимнингдир «думини» босиб олади.

Айниқса, жамиятда ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг журналистлар томонидан фош этилиши жараёнида уларга нисбатан турли тазйиқлар, маънавий ва жисмоний таҳдидлар, мавҳ этишлар тез-тез содир бўлиб туради. Айнан шу жиҳатлар туфайли ҳам журналистлик энг хавфли (кончилардан кейин дунёда 2-ўринни эгаллайди) касблардан ҳисобланади. Ёки баъзан, ОАВ ходимлари билан давлат ташкилотлари, корхона ва муассасалар мутасаддилари билан муносабатларда кескинлик юзага келади. Бундай ҳолларнинг бўлиб туриши табиий, албатта. Айниқса, танқид ҳаммага ҳам ёқавермайди. Журналистларга зарур ахборот беришни рад этиш, турли баҳоналарни рўқач қилиш ҳоллари кўп учрайди. Айниқса, бирор бир муаммо юзасидан таҳлил ёки журналист текшируви олиб борган ҳалол журналистлар таъқиб остига олинадилар. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида «Журналист ахборот тўплаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқига эга. Журналист ўз текширувларининг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишга, уларни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин»лиги қайд этилган. Аммо журналист бор маҳорати, куч-ғайрати, фурсатини сарфлаб тўплаган текширув натижаларини қайсидир ташкилот ёки мансабдор шахсга икки қўллаб тутқазмайди. Биринчи галда у матбуотда эълон қилиш учун мақола ёзади. Мақолани идора ёки тегишли ташкилотга топширишдан аввал матбуотда эълон қилади, шундан сўнггина унинг нусхасини, зарурат туғилса, қўшимча ҳужжатлар билан тегишли идора ҳукмига ҳавола этади. Журналист текширувини ўтказишдан кўзлаган асосий мақсади жамиятнинг бирор соҳасидаги муаммога кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, унинг ечимига мутасаддилар масъуллигини ошириш ётади. Қонуннинг ушбу моддасига аниқлик киритиш зарур бўлган жиҳати

шундаки, текширув натижалари ОАВда эълон қилинмай кимгадир ёки қаергадир топшириладиган бўлса, айрим журналистлар ахборотини «сотати», «буюртмага мақола ёзади», «келишади» ёки умуман танқид қилмай қўя қолади. Бу эса журналистлар фаолиятини нафақат ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан кафолатлаш, балки моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ҳам бугун ахборот товар сифатида сотилаётган бир пайтда жуда муҳим эканлигини кўрсатади.

Журналист текширувида ахборот олиш бошқа жанрлардагидан фарқ қилиши теширувчи журналистнинг «хом ашё», яъни фактлар, маълумотлар, мулоҳазалар ва ҳоказолар билан ишлаши, мутахассислардан, шохидлардан интервьюлар олишига тўғри келиши, факт ва рақамларнинг тўғрилигини текшириб кўриши, ишончли манбаларга таққослаб кўриши билан боғлиқ. Бундан ташқари, текширув учун танланган баъзи мавзулар журналист учун кўп вақт ва ҳамкорлар билан ишлашни талаб этади. Текширувда ахборот олиш йўллари очик бўлмаганда касбини ўзгартириш, яширин техник воситалардан фойдаланиш ҳоллари кузатилади.

«Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида «маълумотларни зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш» журналистнинг ҳуқуқи сифатида эътироф этилгани ҳолда, «Журналистнинг мажбуриятлари» деб номланадиган 6-моддасида «ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз аудио ва видеоёзиш воситаларидан фойдаланиш мумкин эмас»лиги таъкидланган⁹.

Демак Қонун ўз номи билан Қонун. У барча учун баробар. Хусусан ўша журналистнинг йўлига ғов бўлаётганларга ҳам. Журналист бирор ердаги камчиликни танқид қилиб кўрсатиш орқали ўзига ҳеч қандай обрў

⁹ Раззоков Ж. Тўртинчи ҳокимият. Т.: Мехнат, 2003. Б. 46.

ишлаб олмайди. Ана шу муаммоли жойдаги одамларнинг ҳаёти ижобий тарафга ўзгаришини истайди холос. Ўз ҳудудидаги мутассадилардан рози бўлмаган аҳоли умид билан журналистга мурожаат қилади-да. Журналист эса жараёнларга ҳеч қачон бепарво қараб туролмайди. Изланади, муаммога ечим топишга ҳаракат қилади, ўзини ўққа, чўққа уради. Муҳими унга ишонч билдирган инсонларнинг кўнглини олишга, уларни рози қилишга интилади. Буни тушунмаганлар эса нега бу ҳар ерга бурнини суқяпти, эртага бошим балога қолиб кетмасин, деб уни йўлидан олиб ташлашга ҳаракат қилади. Муаммони бартараф этгандан кўра уни кўтариб чиққан журналистнинг йўлини тўсиб қўйиш осонроқдек гўё. Лекин ойни этак билан ёпиб бўлмаслиги ҳақиқат-ку. Ҳа, бу нарсани тан олиш ҳаммага ҳам осон эмас. Жаҳондами, ўзимизнинг юртдами бўлаётган воқеалар, ўзгаришларга назар солинг. Ҳар бирида журналистнинг, ОАВнинг муҳим ўрни бор. Этни тирноқдан ажратиб бўлмагандек уларсиз бирор жараёни тасаввур этиш мушкул.

«Дунё миқёсида мисоллар билан айтадиган бўлсак шов-шувли, коррупция бўладими, катта-кичик жиноий ишлар бўладими барчасини кенг оммага фош этганлар, одамларнинг кўзини очиб қўйган ҳам журналист касбидаги инсонлар бўлади. Халқаро Олимпия кўмитасининг болгариялик аъзоси Иван Славковнинг 2012 йилги Олимпиада ўйинларини ўтказиш ҳуқуқини сотганлиги оддий бир мухбир томонидан фош эилган. Мухбир бир йил давомида яширин камера ёрдамида Славковни кузатиб катта машаққатлар эвазига улкан жасорат билан жиноятчининг асл башарасини тўсиб турган махфийлик пардасини очиб ташлаган. Ёки бўлмаса ФИФАнинг собиқ президенти Йозеф Блаттер ва УЕФА собиқ раҳбари Мишел Платиниларнинг коррупция билан боғлиқ дунёда шов-шув бўлган воқеалари ошкоралиги замирида ОАВ,

журналистлар қанчалик муҳим ўрин тутганининг бутун дунё гувоҳи бўлди.¹⁰

Хуллас, бугун айниқса ахборот айланиши мислсиз тезкорлик касб этаётган бир замонда давлат ва давлат хизматчиларининг фаолиятдан халқни тўлақонли бохабар қилиб боришни ОАВсиз кўз олдимизга келтиролмаймиз. Журналистга фаолияти давомида маҳорат билан биргаликда юксак даражада жасорат ҳам зарур. Аслида бу касб эгаларига осон эмаслигини унинг ўзи ва журналистни тушуна олган инсонларгина ҳис қила олишади. Касбини деб журналист ҳаёти хавф остида қолиши ҳеч гап эмаслигига 2000 йилда мозамбиялик журналист Карлос Кардоза коррупция ҳақида ёзган мақоласи учун отиб кетилганининг ўзиёқ яққол мисол бўла олади.

Шундай экан журналист ҳимояси ҳамиша қонун ҳимоясида бўлмоғи лозим. Бунинг учун журналистларнинг ўзида ҳам ҳуқуқий саводхонлик юқори, кучли масъуллик ҳисси бисёр бўлиши керак. ШУндагина давлат ва жамият ўртасида билвосита кўприк вазифасини ўтаб келаётган касб соҳибларининг фаолиятида тўсқинликлар, тушунмовчиликлар ва тўхталишлар бўлмайди. Уларнинг фаолияти эса ҳамиша давлат ҳимоясида бўлади.

¹⁰ Дониёр Юсуфжонов. Журналист фақат тарғибот учун керакми? «Сарҳад» газетаси, 2018 йил, 7-сон.

1.3. Журналист текширувида жанр масалалари

Журналист текширувини алоҳида ва мустақил жанр дея эътироф этувчилар бор. У бошқа қатор жанрлар аралашмасидан иборат, деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Моҳиятан олганда, биз ҳар иккала фикрда асос бор деб ўйлаймиз. Чунки, журналист текширувида таҳлил бор, тадқиқ бор, лавҳа ва очерк элементлари бор, информация элементи истаганча топилади. Бундан ташқари, фелъетон, ҳатто памфлет оҳанги ҳам учраши табиий. Шулардан келиб чиқилса, «журналист текшируви» журналистика жанрларидан истаганича фойдаланади. Бунинг ҳеч бир салбий жиҳати йўқ, бу – табиий ижодий жараён. Шу билан бир вақтда «Журналист текшируви» шу қадар оммалашиб кетдики (жаҳон журналистикаси назарда тутилмоқда, миллий журналистикамизда эса бу жанр асосан 2000 йилларга қадар кенг оммалашди), матбуотларни шу қадар эгалладики, аудиторияни шу қадар катта қизиқишига, эътиборига сазовор бўлдики, у алоҳида ва мустақил жанр дея тан олина бошлади. Журналист текширувига ихтисослашган малакали ва залворли журналистлар етишиб чиқди.

Умуман, журналист текшируви йўналишида ижод қилувчи журналист фаолияти ва ахборот олиш бошқа жанрлардан фарқли жиҳатларга эга бўлгани учун ҳам бу жанр бир мунча мураккаб ҳисобланади. Иш жараёнида журналист бир қанча муаммоларга (ҳаётининг таҳликада эканлиги, норозиликлар туғилиш эҳтимоли, судларда ўзини ҳимоя қила олиш, етарлича вақт ва шароитга эҳтиёж сезиши каби) дуч келиш эҳтимоли сабабли текширув олиб бориш зарурати журналистни анча-мунча қийинчиликларга рўпара қилади.

Аввало, бу жанрда ижод қилиш журналист учун айни вақтда муаммоли ва бир қадар хавотирли ҳисобланади. Маълумки, текширувда асосан ноқонуний хатти-ҳаракатлар, фирибгарлик ёки коррупция каби иллатлар фош этилади. Мақола чоп этилгач ёки чоп этилиши арафасида

танқид остига олинган ташкилот, мансабдор шахслар муаллифга таҳдид солишгача борадилар (Айни шу кунларда Россияда катта шов-шувга сабаб бўлган воқеалардан бири журналист текшируви билан боғлиқ. «Медуза» интернет-нашр мухбири, ўзининг журналист текширувлари билан машҳур бўлган Иван Голуновнинг тухмат ва ясама жиноят билан ҳибсга олиниши, бу ишга ҳатто Президент В.Путиннинг шахсан аралашуви биз ўрганаётган мавзу ва унинг «боши» узра айланажак қора булутлар ҳавфи йўқолмаганига бир мисол бўла олади.) Ниҳоятда нуфузли полиция раҳбарларининг вазифасидан озод этилгани. Ҳозир жаҳон журналистикасида журналистлар ўлими жиддий муаммо сифатида ўрганилиш даражасига етиб қолди. Чунки турли «тасодиф»лар баҳона ҳалок бўлаётган журналистлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Қурбонларнинг аксарияти эса, қайноқ нуқталардан, нотинч ҳудудлардан репортаж тайёрлаганлар эмас, айнан журналист текшируви олиб борганлардир. Журналист текшируви муаммоли ва қалтис иш бўлгани сабабли таҳририятда бундай ишларга малакали кадрлар жалб этилиши керак. Бир мавзу устида бир неча журналист ишлаши билан вақт ва маблағ масаласини осонлаштириш мумкин. Текширув ўтказиш, мавзунини тўлиқ ўрганиш ва очиқ бериш малакасини шакллантириш мақсадида журналист кадрларга эътибор бериш, уларнинг малакасини ошириш ва профессионал журналистларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириш лозим. Журналист шахсининг дахлсизлиги ва хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш журналистика самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Журналист текшируви мухбирлардан изланувчанлик, фаоллик ва билим талаб этгани ҳолда, текширув олиб борувчи мухбирлар иши етарлича шароит ва вақтга эҳтиёж сезади. Биргина текширув ишида фақатгина журналистнинг эмас, таҳририятнинг ҳам позициясини илғаш мумкин. Текширувдан мақсад ҳақиқатни юзага чиқариш экан, ундаги мавзунини ёритишда ҳам ҳолислик бўлиши, манфаат аралашмаслиги керак.

Бу ҳар қандай пухта тайёрланган ишга ҳам путур етказди. Журналист текшируви – мафкуравий ёки тижорий манфаатлардан холи жанр, у қайси бир давлат ёки шахслар буюртмасига кўра амалиётда қўлланиладиган бўлса, ўз аҳамиятни йўқотади.

Россиянинг журналистик текширувлар агентлиги раҳбари Андрей Константиновнинг айтишича, ҳозирда ҳақиқий журналистик текширувлар кам. «Журналист текшируви» номи остида ёки унга даъвогарлик қилиб ёзилаётган материалларнинг ҳаммаси ҳам мазкур жанр талабларига жавоб бермайди. Бу журналистик текширув тушунчасини тўлиқ англаб етмаслик, нотўғри талқин қилиш, мутахассисларда соҳанинг ушбу йўналиши борасида билимлар етишмаслиги ортидан юзага келади¹¹.

Журналист текшируви таҳлилий жанр материаллари ичида ўзининг ноодатийлиги билан ажралиб туради. Унинг жамиятга фойдаси тенгсиз бўлишига қарамай, бир нечта бошқача характеристика ҳам берилган. Жумладан, баъзи ўринларда унга «қора пиар» деб ҳам қаралган. Мансабдор шахсларнинг қилмишлари ОАВ орқали фош этилганда, бу рақобатчиларнинг журналистга буюртмаси, «журналист текшируви» номи ниқоб, холос, деган тахминлар бўлган.

Баъзи назариётчиларнинг фикрича, ҳар қандай тизимда оммавий ахборот воситалари сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятнинг агенти ҳисобланади. Газета, журнал ва телерадиоэшиттиришлар мустақил эмас, гарчи улар мустақил куч сифатида майдонга чиқаётган бўлса ҳам. ОАВ ҳар доим уни молиявий таъминлаётган томон сиёсатига бўйсунди¹².

Журналистларга «тўртинчи ҳокимият» таърифидан ташқари «мустақил кузатувчи», «жамият хизматчиси», «ҳукумат оппоненти»

¹¹ www.evarist.narod.ru

¹² Altshull J.H. Agents of Power: the role of the news media in human affairs. New York and London, Longman. 1984. E-book.

нисбатлари ҳам берилган. Бу ОАВнинг жамият ҳаётидаги турли кучларга эгаллиги, турлича қизиқишларга хизмат қилишини кўрсатади. Журналистларнинг маълум бир гуруҳлар ёки сиёсий ҳаракатлар учун «агент» вазифасини бажаргани ҳам кузатилган¹³. Аммо идеал ОАВнинг вазифаси инсон онгига қарор қабул қилиши осонлаштирадиган реал тасвирни чизиб бериш ҳисобланади.

2011 йил 29 январь куни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида сиёсий партиялар газеталари мухбирлари, матбуот хизматлари мутахассислари, парламент депутатлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси аккредитациясидан ўтган журналистлар учун ўтказилган семинар-тренингда иштирокчи Беҳзод Шукуров журналист текшируви алоҳида жанр эмас, чунки ҳар бир жанрда ҳам текширув олиб бориш мумкин. Уни журналист фаолиятининг танқидий қисми сифатида баҳолаш тўғрироқ бўлади, деб фикр билдирди. Баъзан биргина янгилик тайёрлаш учун ҳам текширув ўтказиш зарурати туғилишини ҳисобга олганда, мазкур фикрни қўллаб-қувватлаш мумкин. Лекин журналист текшируви жаҳон журналистикасида алоҳида жанр сифатида бўй кўрсатиб, ўзида бир қанча журналистларни ихтисослаштириб улгурди. Шунчаки бизда ҳозирча шаклланиб улгургани йўқ. Аниқроғи, жанр даражасига кўтарилмади.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларини чин маънодаги «тўртинчи ҳокимият»га айлантириш жамиятда бир мунча мураккаб кечмоқда. Оммавий ахборот воситаси ўз позициясига эга бўлиши, журналистлар жамиятдаги турли хил иллатларни моҳирона очиб бериши, муаммони кўтариб чиқа олиши, бу мақомга эришиши борасидаги асосий шартлардан ҳисобланади. Журналистиканинг «тўртинчи ҳокимият» функциясининг бажариши қонунларнинг амал қилиш даражасини

¹³ И.Засурский. Масс медиа второй республики. 1999 г. Электронная книга.

ўрганиш ва дастлаб уч ҳокимият фаолиятини таҳлилий-танқидий ўрганишда кўринади. Бу эса журналист текширувининг асосий хусусиятларидан биридир. Зеро журналист текшируви одатда сир тутилаётган воқеалар, ноқонуний хатти-ҳаракатлар, амалдорларнинг ўз мансабини суиистеъмол қилиши устидан олиб борилади.

Матбуотда журналист текширувларининг тобора сийраклашиб кетаётганига сабаб нима? Бу борада турлича омилларни санашимиз мумкин. Улардан бири журналистикамиздаги раҳбар кадрларга қатъият ва журъатнинг етишмаслиги, ҳамон сақланиб қолаётган ички цензурадир. Журналистларда текширув олиб бориш иштиёқи ҳам, маҳорати ҳам мавжуд, фақат уни ривожлантириш ва рағбатлантириш йўқ. Бу масала эса раҳбарларга, жумладан, газета бош муҳаррирларига бориб тақалади. Чунки улар томонидан журналист текширувлари чоп этилишига кенг ўрин берилмайди. Бир-икки муаммоли мақола чиққанида, турли эътирозлар, босимлар ўтказилганидан чўчиб қолган раҳбар кейинги босқичда муросага ўтиб олади. Аудитория эса бундай мезонлардан хабардор бўлавермайди, яъни, матбуотда у кутган муаммоли масалалар ёритилмаслигида журналистни айблайди. Яна ўша-ўша журналист халқ кўз ўнгида хайбаракаллачи ва лаганбардор сифатида гавдаланиб қолаверади. Бош муҳаррир ҳам, муаллиф ҳам журналист текшируви газетада эълон қилингандан кейин келиб чиққан эътирозлардан чўчиши керак эмас. Аксинча, эътирозни кутиши керак. Бу мақолада илгари сурилган танқидий фикрлар адресатга етиб борганидан, таъсир қилганидан, муаммо безътибор қолмаганидан дарак беради. Эътирозларга қарамасдан журналистик текширувни давом эттириш, тақиқларга бардош бериш эса кучли позиция ва қатъият талаб этади.

Журналист текшируви ўзида замонавий фаолият, касбга янгича муносабатни акс эттиради. Текширувга ихтисослашган журналистлар шу орқали ўз имижларини яратадилар. Масалан, Россия матбуотининг

«Совершенно секретно», «Новая газета», «Независимое расследование» газеталари журналист текширувини фаолиятларининг муҳим қисмига айлантириб олган.

«Уотергейт иши», «Пентагон иши» каби жаҳон журналистикаси тарихидаги муҳим воқеалар журналист текширувининг намунаси сифатида тарихда қолган. Шунингдек, замонавий журналистикада ҳам уларнинг даражасига яқин бўлган журналистик текширувлар мавжуд. Россия журналистикасидаги «Мебель иши» ёхуд «Уч кит» деб номланадиган воқеа ҳам шундай текширувлар сирасидандир. Унда божхонанинг ноқонуний ишлари, 1999-2000 йиллар орасида итальян мебелсозлари контрабандаси ёритилган. Воқеа бир қанча мебель ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар иштирокида содир бўлади. Корхона эгалари эса анча таниқли инсонлар эди. Ишга ҳуқуқ-тартибот органлари, мутасадди ташкилотлар аралашади ва ноқонуний фаолият олиб бораётган мебель дўконлари ёпилади, тегишли шахсларга жиноий иш очилади. «Новая газета» олиб борган текшируви натижасида мазкур муаммо Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Федерал хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура билан ҳам боғлиқлиги аён бўлади. Асосий айб Ички ишлар вазирлиги ва Божхона қўмитаси ходимларига қўйилади. Мазкур текширув доирасида телефон сўзлашувларидан фойдаланиш кузатилган бўлиб, муаммо сири очилишига хизмат қилган бу ишнинг ўзи ҳам ноқонуний деб топилган ва қораланган.

1986 йили «Московский комсомолец» газетасида Евгений Додолев муаллифлигида олиб борилган журналист текшируви ҳам «Оқ рақс» номи билан тарихда қолган. Фоҳишабозлик иллоти ёритилган ушбу мақола газетанинг 19- ва 21-сонларида давомли тарзда чоп этилган. Назариётчилар «Оқ рақс»ни журналистик текширувдан кўра очерк жанрига яқин, деб ҳам фикр билдирганлар. Унда эркинлик исташнинг

бундай эгри кўчаларга бошлагани, мамлакатдаги ахлоқий жиҳатлар, кизлар тарбиясига урғу берилган. Бу собиқ совет матбуотида фоҳишабозлик мавзусининг илк маротаба бундай йўсинда ёритилиши эди. Мазкур текширув чоп этилишига бир қанча тақиқлар ҳам қўйилган. Унинг биринчи қисми эълон қилинган, жанжал кўтарилган, давоми кейинги сонда эмас, бир сон оралаб чиққан. Унга «юқоридан» мақолада тилга олинган мафкуравий жиҳатларни тўғрилаш буюрилган ва мақола катта даврада муҳокама қилиниб, таҳрирдан ўтказилган. Муаллиф тазйиқларга учраган. Унинг «Московская правда» газетасига берган интервьюсида айтишича, мақола чоп этилган уй-жойини ўзгартириб, тегишли шахслар кўзидан нари бўлишга тўғри келган. Лекин ўша давр матбуоти бу орқали аудитория олдида ўз обрўсини шакллантиришга муваффақ бўлган. Буни газетанинг адади тубдан ошганидан кўриш мумкин. Мақола аудиториянинг айрим қатламлари учун огоҳлантириш вазифасини ўтаган. Шунингдек, ҳукуматни ҳам ҳаракатга ундаган. Шундан сўнг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексга ўзгартишлар киритилган. Мақола Ғарб оммавий ахборот воситаларида хорижий тилларга таржима қилиб босилган. Муаллиф Евгений Додолев текширув орқасидан публицистика соҳасида ҳам ўз имижига эга бўлди. 1989 йили нашриёт унга машҳур коррупцион жиноятлар текширувлари тўпланган китоб ёзиш таклифи билан чиқди ва муаллифнинг «Жараён» номли китоби дунёга келди¹⁴.

Ўзбек журналистикасидаги журналист текшируви элементлари жаҳид матбуотида ҳам учрайди. 1914 йилнинг 30 апрелидан 7 майигача бўлган вақт давомида «Садои Фарғона» газетасида «Туркистонда қишлоқ хўжалиги ва деҳқончилик» сарлавҳали туркум мақолалар эълон қилинди. Унда факт ва таҳлиллар асосида иқтисодий ҳолат, қишлоқ хўжалигидаги муаммолар, деҳқонларнинг аҳволи ёритилган. Журналист деҳқонлар

¹⁴ www.wikipedia.org

билан суҳбатлашади ва қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни аниқлайди. Деҳқонларнинг «Америка техника орқали биз 10 кунда қилган ишни 10 соатда бажаряпти», деб берган кўрсатмаларини асос қилиб олади. Материал тайёрлаш жараёнида журналист одатий ва ноодатий усуллар билан ахборотни қўлга киритади, жараённинг шахсан гувоҳи бўлади.

«Улуғ Туркистон» газетасининг 1917 йил 12 август сониде Убайдулла Хўжаевнинг «Бизда шаҳар солиқлари» сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Унда деҳқонга муносабатда рус инвесторларининг молиявий қаллобликлари ёзилади. Муаллиф давлатнинг солиқ сиёсатини тадқиқ этади ва халққа қилинаётган ноҳақликларни аниқлайди. Материал тайёрлаш жараёнида журналист турли ҳужжатлар (буйруқ ва низомлар) билан ишлайди ва текширув мақоласида долзарб иқтисодий муаммони олиб чиқади.

Бундай мисолларни Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Шокиржон Раҳимий, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Мунавварқори ва бошқалар ижодида кўриш мумкин. Демак, журналистик текширув элементларини нафақат журналистлар, балки ёзувчилар, публицистлар фаолиятида ҳам учрайди¹⁵.

20-асрнинг 90-йилларида журналистика назарияси талабидаги журналистик текширувлар «Халқ сўзи», «Хуррият», «Моҳият», «Ҳуқуқ», «Ўзбекистон овози», «Ишонч», «XXI аср», «Правда Востока», «Зеркало XXI», «Новости Узбекистана», «Адолат», «Инсон ва қонун» газеталарида кўрина бошлади. Уларда асосан ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги камчиликлар кўтариб чиқилган. Шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши, суд ва прокуратура фаолиятидаги қонунбузарликлар мавзу қилиб олинган.

¹⁵ Актуальные вопросы развития партийной прессы Узбекистана. 3-й выпуск. Институт по изучению гражданского общества. Т.:2011. С.20.

Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг журналист психологияси бўйича мутахассиси Ахед Жаян он-лайн конференцияда ўқувчиларнинг «Журналист иш фаолиятида зарур ҳолатларда ёлғон ишлатиши мумкинми?», деб берган саволига «Йўқ, ҳеч қачон бунга йўл қўйиш керак эмас. Лекин касбини ўзгартириш мумкин», деб жавоб берган. Лекин замонавий оммавий ахборот воситаларида сохта машҳурликка эришиш мақсадида ёлғонга зўр бериш, ахборот олишнинг қинғир йўлларида фойдаланиш кўпайиб кетди. Тез орада машҳурликка эришган «Wikileaks» сайти махфий маълумотларни ошкор этишга ихтисослашди ва бу билан дунё миқёсида катта шов-шув кўтарди. Сайт америкалик дипломатларнинг махфий ёзишмаларини чоп этишни бошлади. Ундан аввал Ироқ ва Афғонистонга оид кўплаб махфий ҳужжатларни ҳам ошкор этганди. Афғонистондаги урушнинг шу вақтгача айтилмаган тафсилотлари қайд этилган 90 мингга яқин расмий ҳужжатлар веб-саҳифа томонидан омма эътиборига ҳавола этилди. «Wikileaks» билан бир пайтда Британиянинг «Гардиан», Американинг «Нью-Йорк Таймс», Германиянинг «Шпигель» нашрларида эълон қилинган ҳужжат «Афғон уруши кундалиги», деб номланади. Булар Афғонистондаги урушни ёритган махфий ҳужжатлар бўлиб, кимдир уларни «Wikileaks» сайтига яширинча етказган. «Wikileaks» гуруҳи армия, хавфсизлик кучлари, ҳукумат идоралари ва бизнес ширкатлари ходимлари орасидаги манбалар яширинча етказиб берадиган маълумотларни ошкор этишни фаолиятидаги одат тусига айлантириб олган. Кўплаб давлатлар, айниқса, АҚШ бунга киберҳужум ва мамлакат миллий хавфсизлигига таҳдид, деб қарайди. Ҳужжатларни америкалик ҳарбий таҳлилчилардан бири берган, деб гумонсираган ва таҳлилчи судга тортилган. Сайт асосчиси Жулиан Ассанж ҳибсга олинди, лекин бир қанча вақт ўтиб, катта миқдордаги гаров пули эвазига озодликка чиқарилди. Веб-саҳифага хизмат кўрсатаётган қатор америкалик ширкатлар «Wikileaks» билан

ҳамкорликни тўхтатишган. Америкадаги Интернет домени компаниялари «Wikileaks»га хизмат кўрсатишни тўхтатган, натижада сайт ўз манзилини Швейцария доменига кўчирган. Америкалик сенаторлар веб-саҳифага хизмат кўрсатаётган барча ширкат ва ташкилотларни улар билан алоқани узишга даъват этган¹⁶.

Матбуотда журналист текширувига ўхшаш кузатув мақолалар ҳам кўп чоп этилади. Аслида кузатув журналист текширувининг бир қисми. Аммо шундай материаллар ҳам борки, унда текширувдан кўра кузатувга кўп ўрин берилади. Масалан, «Хуррият» газетасининг 2011 йил 10-сонида «Ўйлаб кўринг» рукни остида «Изоҳсиз луғат» сарлавҳали мақола берилган. Муаллиф Анвар Жумамуродов бугунги ўзбек киноларида кўрсатилаётган лавҳалар, қўлланаётган иборалар ҳаётга, асосан ёшлар турмуш тарзига кўчиб, салбий таассурот қолдираётгани ҳақида фикр юритади. Унда турли фильмлардаги эпизодлар ва гап-сўз ёшлар томонидан қўлланилаётгани мисоллар билан келтирилган. Бу мақолани ёзишни анча аввал режалаштириб, кузатувни йўлга қўйгани билиниб турибди. Жумладан, «Жаноб ҳеч ким», «Қалбим ўғриси», «Келгинди келин», «Телба» сингари ўзбек фильмлари, «Такси», «Қалбим чечаги» каби хорижий сериаллардан кириб келаётган кийиниш ва сўзлашиш услуби, кўр-кўрона тақлидни қоралайди. Фильмда тилга олинган маза-бемаза сўзлар ёшлар нутқига кўчаётгани, улар орқали жаргонлар, арголар, шевага хос сўзлар, варваризмлар кириб келаётганини муаммо сифатида кўтаради.

«Хуррият» газетасининг 2010 йил 27-сонида журналист Фармон Тошевнинг халқ артисти Таънаберди Қурбонов билан ҳаммуаллифликда ёзилган «Тўғри гапиришнинг «иложиси» борми?» номли мақоласи ҳам шунга ўхшаш. Муаллифлар сўнгги пайтда матбуот ва телевидениеда адабий тил меъёрларининг бузилиши юзасидан баҳсларнинг камайиб

¹⁶ www.bbcuzbek.com

кетганини муаммолардан бири, деб олиб чиқадилар. Мақолада кино ва театр санъатига адабий тилнинг энг ишончли ва оммавий тарғиботчиси деб қаралиб, бугунги кунда айнан улар томонидан адабий тил меъёрлари бузилаётгани мисоллари келтирилади. Телевидениега интервью бераётганларнинг (нафақат оддий кишилар, балки йирик олим ва шоирлар ҳам) очикчасига шевада гапириши, бу тузатишсиз эфирга узатилиши танқид қилинади. Ўзбек телеканалларидаги «Оҳанрабо», «Ёқимли иштаҳа» кўрсатувларидаги тил билан боғлиқ муаммолардан мисол келтирилади.

«Совершенно секретно» газетасининг 2011 йил 4-сонида «Президент кўзини ким очади?» («Кто откроет глаза президенту») номли мақола чиққан. У журналист Владислав Иноземцев томонидан ёзилган. Мазкур мақола бошқаларидан фарқли томонлари билан ажралиб туради. Унда муаллиф Россия Президенти томонидан мамлакатда бюрократияни йўқотиш ва ҳаётни яхшилаш учун зарур бўлган 5та қарор чиқарилиши кераклиги фаразини бериб, бу 5та қарорни санаб ўтади ва улар доирасида давлатдаги бюрократия, коррупция, ривожланишдаги оқсоқликларга доир ўтказган суриштирувлари ва тўплаган маълумотларини ҳавола этади. Фикр-мулоҳазаларини фаол фуқаролик ва журналистик позиция билан билдиради. Журналист томонидан мамлакат раҳбарига аниқ таклифлар билдириш, танқидий ёндашиш ва буни асослаб беришнинг ўзи ундаги журъатнинг юқорилигидан дарак бериб турибди. Муаллиф таклиф этаётган 5 қарор Америка билан таққослашни бас қилиб, мустақил бўлиш, қишлоқ жойларида заводлар очишга кенг йўл бериб текширувни камайитириш, стандартлаштириш, ўз-ўзини иқтисодий таъминлаш, Европа билан иш ва интеллектуал масалаларда очик бўлишдан иборат. Биринчи таклифи ўринлилигини исботлаш учун собиқ Совет даврида Америка билан таққослаш, «иқтисодий ривожланиш мусобақаси» яратилгани салбий томонга хизмат қилгани, мамлакат паст кўрсаткичларга келиб

қолгани, руслардан кўра мустақил ва эркин бўлган америкаликлар муваффақиятга эришганини мисол қилиб келтиради. Журналист ҳар бир ғоясини илгари суришда факт ва аниқ рақамларга суянади. Таҳлиллардан журналистнинг билим захираси бойлиги сезилган. Журналист ҳозирги бюрократияни йўқотиш учун қонунчиликка ўзгартириш киритиш таклифи билан чиққан. Шу ўринда мамлакат Президенти Дмитрий Медведевнинг президентлик сайловлари олди мазкур масала бўйича илгари сурган мақсад ва режаларига назар солади. Мақола сарлавҳасидан келиб чиқиб, мамлакатнинг амалдаги Президенти, Савдо вазири, Молия вазири, Ташқи ишлар вазири ва бошқа мансабдорларнинг тасодифан кўзини юмиб тушиб қолган расмлари илова этилган.

Бугунги матбуотимизда росмана журналистик текширувлар кам. Баъзи материаллар «Журналист текшируви» рукни остида эълон қилинмаган бўлса-да, унда муаллифнинг журналист текширувига даъво қилиб ёзгани сезилади. Ваҳоланки, назарий маълумотлар билан муқояса қиладиган бўлсак, унга журналист текшируви нисбатини беролмаймиз. Бунга сабаб журналистнинг мазкур жанр қоидаларининг аниқлаштириб ололмаганини кўрсатиш мумкин. Яна бир сабаби – таҳрир.

Мухбир томонидан тайёрланган материал раҳбарият таҳриридан ўтказилиб, танқид ва айрим фактлар олиб ташланганда, журналист текшируви ўз аҳамиятини йўқотади. Зеро журналистик асарни умумий таҳлиллар эмас, биргина фактнинг ўзи ушлаб, жозиба бахш этиб турган бўлиши мумкин. Матбуотда журналистик текширувга ўхшаш материалларнинг кўпаяётганига таҳлилий жанрларнинг барча материаллари бир бирига ўхшаши ва яқинлиги ҳам сабаб бўлади. Шунга қарамай, журналист текширувида ижод қиладиган одам ўзини ёзишдан чекламаган ҳолда жанр ва йўналиш масъулиятини ҳис этиши, таҳририят услубини унутмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади.

II БОБ. ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

2.1. Босма нашрларда журналист текшируви

Матбуот ижтимоий ҳаётни акс эттириш шаклларида бири, реал воқеликни билиш ва тадқиқ қилиш ҳамда унга таъсир кўрсатишнинг муҳим воситасидир. Матбуотнинг негизини реал воқелик ташкил қилади, у маълум бир давр ижтимоий воқеаларини ўзида акс эттиради ҳамда ана шу воқеликка ўз таъсирини кўрсатади. Матбуот материалларининг таъсирчанлиги матбуотнинг туб моҳиятидан, яъни ижтимоий ҳаёт воқеаларини акс эттириш билан чегараланиб қолмасдан, унга бевосита таъсир ўтказиш хусусиятидан келиб чиқади¹⁷. Журналист текширувларининг асосий минбари ҳам матбуотдир. Ўзбек матбуотида журналистик текширувлар кўп учрамаса ҳам, унинг элементлари сезиладиган материаллар мавжуд. Ўз вақтида журналист текширувининг асосий талабларига жавоб берадиган журналистик текширувларининг чоп этилгани қувонарли ҳол.

«Хуррият» газетасининг 2010 йил 20-сонида газета муҳбири Даврон Ориповнинг «Маҳалла идораси сотилди» сарлавҳали журналист текшируви эълон қилинган. Буни газетадаги таҳлил этилган икки йилдаги материаллар ичида росмана журналист текшируви, деб айтиш мумкин. Чунки унда аввалгилардан фарқли ўлароқ муаммо аниқ қўйилган, журналист жойга бориб ўрганган, инсонлар билан суҳбатлашган, мавзуга чуқур киришишга ҳаракат қилиб, керакли фактларни тўплаган. Мақолада баён этилишича, Қумқўрғон туманидаги маҳалла фуқаролар йиғини идораси бир фуқарога сотилиб, маҳалла раисларидан тортиб милиция таянч пункти нозиригача кўчага чиқариб қўйилган. Таҳририятга бир гуруҳ маҳалла фуқаролари томонидан шикоят хати келгач, мухбир текширувни бошлайди. Маълум бўладики, бу ишга ҳоким қарори рўқач қилиб олинади.

¹⁷ М. Худойкулов. Матбуот ва жамият. Т.: Ўзбекистон, 1976. Б.90.

Бир фуқаро уйли бўлиши оқибатида маҳалла фуқаролар йиғини кўчада қолди, ишлаш учун шароит йўққа чиқди. Ушбу бино маҳалла идорасига айлантирилмасидан аввал музей бўлган, лекин анча таъмирсиз ахволда бўлиб, маҳалла 6 миллион сўм эвазига яхши ҳолатга келтирган. Фуқарога эса тайёр бино 400 минг сўмга сотилди. Бунга маҳалла идораси вакиллари «Агар бизнинг балансга ўтказса, шунча маблағни ўзимиз ҳам йиғиб тўлардик», деб фикр билдиради. Журналист ҳолатни ўрганиш юзасидан маҳалла фуқаролар йиғини раиси, маслаҳатчиси, участка профилактика нозири, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолидан интервьюлар олади. Уларнинг ҳар бирини ўз сўзлари билан бергани таъсирчанликни оширган. Жумладан, участка нозири фиғони фалакка чиқиб, ишлашга жой йўқлигидан ёзув-чизувни уйда бажараётганини айтса, маҳалла фуқаролар йиғини раиси бундай шароитда ишлашдан кўра вазифасидан кетгани маъқуллигини билдиради.

Мақолада ушбу кўрсатмадан кўп ўтмай раис ўз хоҳиши билан вазифасидан кетгани ёзилади. Журналист мавзу доирасидаги асосий масала – маҳалла идорасининг тайёр жойи тортиб олингани натижасида ишлаш шароитига путур етганига кўп урғу бериб ёндашади. Вазиятга «очиқ осмон остида фаолият юритиб келаётган маҳалла» деб таъриф беради. Раис томонидан (ишдан бўшамасидан аввал) фуқароларни кўчада қабул қилгани, лекин ёш болали аёлларни қабул қилишда бундай шароти тўғри келмаслиги баён этилади. Мухбир маҳалла аҳолиси билан кўп суҳбатлашади, уларнинг кўрсатмалари ва таклифларини мақолага туширади. Бу эса мавзунинг тўлиқ очиб берилишига кўмаклашган. Журналист ишининг кейинги босқичида ҳужжатлар билан ишлаган. Музей биносини хусусийлаштириш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлардаги номуносивбликларни аниқлаган.

Журналист текшируви риояланишнинг илк босқичларида телевидение ва матбуотда тенг олиб борилган. Кейинчалик телевидение

уни матбуотга «топшириб» қўйди. Журналист текшируви деганда аввало босма ОАВ материали тушуниладиган бўлди. Бунга ўзида профессионал журналистик текширувларни мужассамлаштириб, шу орқали машҳурликка эришган газеталар сабабдир.

«Халқ сўзи» газетасининг 2011 йил 23 февраль сонида ЎЗА шарҳловчиси Олим Тўракуловнинг «Қаллобнинг косаси оқармайди» сарлавҳали мақоласи элон қилинган. Унда муаллиф жаҳон миқёсида озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиши, кундалик истеъмол маҳсулотлари тақчиллашаётган пайтда Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари сероб, нархлари ҳамёнбоплиги, шунга қарамай бозорларда учраётган айрим муаммоларни ёзади. Мақолада бозорлардаги сохта тадбиркорлар деҳқонларни алдаб, баъзида зўравонлик қилиб, улар олиб келган маҳсулотни арзон баҳода сотиб олиши ва шу ернинг ўзида устига кўп миқдорда нарх қўйиб пуллаши ёритилган. Мутасадди идоралар, бозорлар раҳбарларининг бундай ҳолатларга эътиборсизлиги муаммо илдизи сифатида баён этилган. Журналист яхши мавзунини танлаган, керакли фактларни берган, лекин текширув кам. Муаллиф муаммонинг тагига етиш учун фақат битта ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига мурожаат қилгани ва идоранинг матбуот хизмати берган ҳисобот билан чекланиб қолганини кўриш мумкин. Мақолада «Эски Жува», «Миробод», «Қўйлик», «Қорақамиш» деҳқон бозорларидаги қонунбузарликлар аниқланиб, мутасадди шахсларга нисбатан жиноий ишлар қўзғатилгани, деҳқон бозорларидаги нархлар пасайган бир пайтда шаҳар ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаётган супермаркетларда нархларнинг кўтарилаётгани мониторинглар давомида тасдиқлангани келтирилади. Ундаги фактлар орасида муҳим, аудитория учун қизиқарли ва аҳамиятга моликлари талайгина, лекин у журналист текширувлари маҳсули эмас, балки прокуратуранинг ҳисоботларидир. Журналист бундай манбадан

фойдалангани яхши, лекин мавзу доирасида ўзи изланишлар олиб борганида, мақола журналист текшируви талабига жавоб берган бўлар эди.

Худди шу мавзу «Адолат» газетасининг 2011 йил 15 апрель сонида ҳам ёритилган бўлиб (газета мухбири Нурхон Элмирзаеванинг «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир...» сарлавҳали мақоласи), у ҳам юқоридаги мақоладан деярли фарқ қилмайди. Бунда бошқа бозорлар ва ноқонуний хатти-ҳаракат қилган тадбиркорлар мисол тариқасида келтирилган холос. «Халқ сўзи»даги мақолада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ягона ахборот манбаи ҳисобланиб қолган бўлса, «Адолат»даги мақолада Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг рақамларига таянилган, яъни бу ерда журналистнинг шахсан изланиши сезилмайди.

«Халқ сўзи» газетасининг 2011 йил 59-сонида «Жиноятга жазо муқаррар» рукни остида «Миси чиққан қаллоблик» сарлавҳали мақола эълон қилинган. Буни суддан кейинги текширувга мисол қилиб келтириш мумкин. Чунки унда Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судида кўрилган жиноят иши тафсилотлари берилади. Мақолада «Бухоро нефть базаси» унитар корхонасида раҳбарлар томонидан амалга оширилган ноқонуний ҳаракатлар, корхона раҳбари ва омборчиси орасида уюшган жиноятчилик ва коррупция аниқлангани баён этилади. Лекин унда берилган асосий факт ва маълумотлар муаллиф томонидан тўпланмаган, балки Миллий хавфсизлик хизмати, солиқ бошқармаси, суд ва прокуратуранинг суриштирув ва тафтишлари маҳсулидир. Пировардида айбланувчи шахсларга қандай жазо тайинлангани ёзилган. Бундай мақолалар аксарият ҳолларда мамлакатда қонунбузарлик бартараф этилишини кўрсатиш, жиноятга жазо тайинланишидан мисол келтириш орқали жамиятдаги баъзи кимсаларни огоҳликка чорлаш, бу каби ноқонуний ишлар олдини олиш мақсадида ёзилади.

«Хуррият» газетасининг 2011 йил 4-сонида «Оғрик нуқталар» умумий рукни остида бир саҳифалик материал ўзбек тўй, маърака ва расм-русумларининг ўтказилишидаги ортиқча сарф-харажат ва меҳнат, бунинг устига кириб келаётган янги расм-русумларнинг қуюшқонга сиғмаслиги кўтарилган. Бир мавзуда уч муаллифнинг мақоласи тақдим этилган. «Бирни кўриб фикр қил» сарлавҳали ФХДЁ бўлими мудир Барноҳон Расулованинг мақоласида қудачилик муносабатларни ўрнатишдаги муаммолар, қариндошлар ўртасида тузилган никоҳларнинг салбий оқибатлари мисоллар билан берилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Мурод Калонхоннинг “Тўйлаймиз-да ўйлаймиз” номли мақоласида тўйлардаги исрофгарчиликлар, тўйхонадан таралаётган шовқин-суронлар ён-артоғда яшовчи аҳолига ҳалал бериб, тинчини бузиши, тўйларга ташриф буюрадиган хонандалар, бундай базмларда миллий қадриятларнинг бузилиши масалаларига урғу бериб ёзилган. Учинчи муаллиф Умида Мансурова «Расм»лар ва «русум»лар» номли мақоласида тўйлардаги тартибсизликлар ва мантиқсиз ҳаракатларни қаламга олади. Журналист замонавий тўйларда кузатилаётган келин ва куёвни табриклаш, ўпишиб кўришиш, бирга расмга тушиш, пул қистириш ҳолатларини турмуш қураётган икки ёш руҳиятига салбий таъсирини асослаб берган. Бунинг учун ФХДЁ бўлими ходими, психолог, юқумли касалликлар шифохонаси шифокори, маҳалла фуқаролар йиғини раисидан интервью олган.

Ўзбек тўйлари мавзуси матбуотимизда кўп кўтарилган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур саҳифада эълон қилинган юқоридаги икки мақола уларни такрорлайди, аввал янграган фикрлар кўп, лекин учинчи мақола ноодатий янги фикрлар, ҳали илганмаган нозик жиҳатларни тилга олгани ва фактларни ўрнида таъсирли қўллагани билан ажралиб турибди. Бундан ташқари, юқоридаги иккита мақолада кўпроқ фикр устунлик қилган бўлса, учинчисида журналистик текширув

элементлари мавжуд. Муаллиф мақолани ёзиш олдидан шахсий ва журналистик кузатувни йўлга қўйган, ҳолат юзасидан мисоллар йиққан, мутахассислар билан суҳбат олиб борган.

«Совершенно секретно» газетасининг 2010 йил 2-сонида Галина Сидорованинг «Министр и поклонники» номли мақоласи эълон қилинган. Уни журналист ўз услубига кўра шахсий ҳаётида гувоҳи бўлган воқеа билан бошлайди. Уйини таъмирлаш учун келган сантехникнинг ишга муносабати, соҳаси бўйича керакли билимларга эга эмаслиги сезилганини айтиб, бугунги давлат амалдорлари ҳам ўз ўрнига етарлича лойиқ эмаслиги фикрини беради. Мақола давомида бу масала кўп кўтарилган ва ҳокимият кишилариининг ўз ўринларини оқлаш даражасини ўрганиш бош мавзуга айланган. Журналист мамлакатдаги милиция ходимларининг фаолияти ва улардаги мансабини суиистеъмол қилиш ҳоллари устидан алоҳида текширув олиб борган бўлиб, бунга оид бир неча фактлар келтиради. Бир подполковник қор тозалаш машинаси билан тўқнашиб кетгани ва тозаловчи ходимни қурол воситасида ўлдиргани ҳақида гапириб, «подполковникнинг машинаси» эмас, «подполковникнинг шахсий «Ниссан»и» дейилган. Бу билан унинг ижтимоий аҳволига урғу мавжуд. Мақолада бошқа бир милиционернинг журналистга ишлатган қўполлиги, етказган тан жароҳати туфайли ҳаётига зомин бўлгани ёзилади. Яна бир қанча милиция таянч пункти ходимлари томонидан амалга оширилган ноқонунийликлар санаб ўтилгач, Президент Медведевнинг соҳани ривожлантириш йўлида олиб бораётган ишларига назар ташланади. Ички ишлар вазирлигининг етарлича ислохот ўтказмаётгани танқид остига олинади. Шунингдек, журналист Давлат Думаси ва депутатларнинг бу борадаги фаолияти ҳақида сўз очади. Мақола якунида эса ДАН ходимлари ҳақида латифани келтириб, яна бир бор давлатдаги бу тизим яхши ишламаётганига ўқувчи эътиборини қаратади.

«Хуррият» газетаси 2010 йил 32-сонида газета мухбири Азим Рўзиевнинг «Ёпиғлиқ қозон қачон очилади?» сарлавҳали мақоласи эълон қилинади. У газетага келган шикоят хатидан кейин ёзилган. Мақолада ҳикоя қилинишича, Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи аёл уйида ёнғин чиқиши оқибатида зарар кўради. Аслида ёнғин унинг қўшнисининг уйидан ўтган, бу ишни ёпмоқчи бўлган ўт ўчирувчилар ва маҳалла кўмитаси раиси ўринбосари аёлни ёнғин унинг ўз уйидан чиққан, деб айтишга кўндиришга уриниб, «Горгаз»дан 20 миллион сўм олиб беришга ваъда берадилар. Жабрланувчига ёрдам бериш у ёқда турсин, хонадон эгасига турар жойида ёнғин ҳафсизлиги чораси кўрилмагани айби қўйилади. Шунингдек, мақолада ёнғин чиққанида далолатнома тузиш билан боғлиқ кўзбўямачиликлар фош этилади. Журналист воқеага турли мутасадди ташкилотларнинг муносабатини кўрсатади. ИИБ ходимларининг фаолиятини ижобий баҳолайди. «Мўйин Пўлатов ўз айбини яшириш мақсадида хонадонини тўлиқ таъмирдан чиқарди. Любат Эгамбердиевнинг уйи эса бундан икки ярим йил аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича турибди», деб таъкидлаб ўтади. Мақолада икки ярим йилдан бери ҳал бўлмаётган муаммо жабрланувчининг кўрсатмалари ва хат-ҳужжатлар асосида ёзилган, аммо журналистнинг касбий суриштируви мавжуд эмас. Тегишли шахслар билан ўзи учрашиб суҳбатлашмаган.

«Правда Востока» газетасининг 2011 йил 46-сонида Мария Уханованинг «Ўғирланган» йўл» («Украденная» полоса») сарлавҳали мақоласи эълон қилинган. Унда журналист шаҳар кўчаларидаги автомобиль тўхташ жойларининг яхши йўлга қўйилмагани, натижада автобус ва йўловчилар ҳаракатланадиган йўлакларга, бошқа тўхташ тақиқланган ҳудудларга машиналар қўйилиши оқибатида йўл ҳаракати ҳавфсизлиги қоидалари бузилиши устидан текширув олиб борган. Мақола аввалида мавзуга оид статистика берилади. Унда келтирилишича, ҳозир

мамлакатимиздаги ҳар тўртинчи оила шахсий автомобилга эга. Тошкент кўчаларида ҳар куни минглаб автомобиллар ҳаракатланади. Муаллиф ушбу фактлар орқали кўтарган мавзунинг долзарблигига ўқувчини ишонтиришга уринган. Журналист бир неча кўчаларда, автомобиль тўхташ жойларида бўлиб, ҳолатни синчков кузатган, ҳар бирида муаммо кўзга ташланаётганини баён этган. Жумладан, мақолада аниқ манзиллар: «Қатортол» кўчасидаги улгуржи савдо бозори, «Фарҳод» бозори, Олой бозори, «Чилонзор» ва «Мустақиллик» метро бекатлари, Навоий шохкўчасидаги маиший савдо расталари, Ўзбекистон ва Амир Темур шохкўчалари, Буюк Турон кўчаларидаги автомобил тўхташ жойларидаги ҳолатдан мисол келтирган. Мақолада биринчи ўринда кўтарилган муаммо автомобиль тўхташ жойларининг камлиги бўлса, иккинчиси борларининг ҳам яхши ишламаслигидир. Уларда ҳаммага жой етмаслиги, нархнинг баландлиги, тўлов ҳақида чек берилмаслигини ёзган. Журналист кузатув ва автомобиль тўхташ жойларидаги суҳбат жараёнида мижоз ролини бажаргани сезилади, материал тайёрлашнинг кейинги босқичида эса журналист сифатида мавзу юзасидан йўловчи, автобус ҳайдовчиси, шаҳар автомобил назорати капитанидан интервью олади. Давлат солиқ қўмитасидан маълумот сўраб, натижага эришолмаганини ёзади. Ҳаракат хавфсизлиги масалалари қайд этилган меъёрий ҳужжатлардан иқтибос келтиради. Мақола сўнгида эса муаммо юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимиятидан бирор ечим ва ислоҳот кутилиши таъкидланган.

Умуман олганда матбуот босма оммавий ахборот воситаларининг энг қадимий анъаналарини ўзида мужассам айлаган. Шу боисдан бўлса керак, ҳар қандай мавзу ўрганилаётганда, аввало, матбуотга мурожаат этилади.

Журналистик текширув рукни остида эълон қилинган мақолаларнинг илк кўринишлари ҳам айнан матбуотда дунё юзини кўрган. Оммавий ахборот воситасининг бу тури мавзунини ёритиш кўлами

эркинлиги, ҳажман кенглиги ва сўзнинг қудратини акс эттириш билан бошқа оммавий ахборот воситаларидан фарқланиб келган. Шунинг учун бўлса керак, журналистлар учун кўпгина жанрлар қатори журналист текшируви жанрини ёритишда матбуот бирламчи восита бўлиб ҳисобланади. Бошқа турдаги оммавий ахборот воситалари эса айнан матбуотнинг негизида шаклланган ва бугунги кўринишига эга бўлиб борган.

2.2. Телевидениеда журналист текширувини ёритишнинг психологик жиҳатлари

Босма нашрлар мухбирлари асосан диктофондан, телевидение мухбирлари эса кўпроқ камерадан фойдаланишининг турли кўриниш ва шароитлари бор. Масалан, информацион материал тайёрлаш чоғида диктофон ёки камера суҳбатни ёзиб олиш учун ён дафтарча вазифасини ўташи мумкин. Бунда ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракат, яшириш бўлмайди, респондентларда норозилик туғилиш эҳтимоли ҳам кам. Чунки бундай ҳолларда техник восита зарурий қурол бўлади. Айниқса, телевидение ходимларининг тасвири бериш учун камерадан фойдаланмасликларининг иложи йўқ. Аммо кўпчилик интервью берувчиларга диктофон ёки камера психологик таъсир ўтказди: бор гапни айтилмайдилар, тез тутиладилар, ўзлари билмаган ҳолда маълумотни, ҳолис ва ҳаққоний ахборотни беркитишга уринишади. Шунини ҳисобга олган журналист, текширув ўтказмаётганига қарамай, диктофонни сездирмасликка ҳаракат қилиши мумкин. Текширув ишларида эса журналистларнинг яширин камера ва диктофонлардан фойданишлари зарурий ҳолатга айланиб, бу усулни амалиётда кўп учратамиз. Яширин камера билан ишлаш журналист ишининг бир қисми бўлиб, ундан мураккаб, чигал вазиятларда фойдаланилади, лекин уни зинҳор суиистеъмол қилмаслик зарур¹⁸.

Текширувда ахборот олишнинг ғайриодатий усуллари муаммоли ва мураккаб бўлгани билан журналистлар фаолиятларида бунини кўп қўллашади. Чунки текширув мавзулари асосан долзарб, унда кўриладиган масалалар сир сақланадиган, очиқ ошкор қилинмайдиган бўлгани учун журналистнинг ахборот олиш ва мавзунини ёритишдаги қарори шунини тақозо этади. Журналист текширувига «долзарб мавзудаги маълум шахс ва

¹⁸ Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қонунлари. Т.: Шарқ, 2002. Б. 87.

ташкilotлар сир сақлашга уринган материалларни ўрганишга бағишланган ва журналист ташаббуси асосида тайёрланадиган материал”¹⁹ таърифи ҳам берилган. Журналист текшируви турли мавзу ва соҳаларда олиб борилиши мумкин бўлгани билан, кўтариладиган мавзу кўпинча жамоатчилик диққатидан турли баҳоналар билан яширилган ташкilot ва фаолият турлари саналади. Бундай масалаларга тааллуқли ахборотларни қўлга киритиш учун эса журналист маълумот олишнинг одатий ва оддий бўлган йўллардан фойдаланиши қўл келмайди.

Текширув олиб бораётган журналист учун ахборот манбалари доим очик, берилган маълумот фақат тўғриликка асосланган бўлмайди. Журналист турли сабаблар билан хаспўшланган, керакли кўрсатма мавжуд бўлмаган манбалардан маълумот олишига тўғри келади. Агар мақоласида худди ўша баҳонаю рўкачларни, унга берилган нотўғри ахборотларни акс эттирса, жамоатчилик ҳақиқий ҳолатдан беҳабарлигича қолаверади, ахборотга бўлган эҳтиёжини бошқа, ишончсиз ва холис бўлмаган ахборот воситаларидан қондиришга уринади, натижада ахборот хуружларига учрайди. Вазият бу томонга бурилиб кетмаслиги учун эса журналистдан кузатиш маҳорати, ташаббус, шижоат, кузатувчанлик, таваккалчилик талаб этилади.

Журналист текширувида журналист кутилмаган вазиятлар, ахборот олишда қийинчиликларга дуч келиши мумкин, шундан келиб чиқиб ахборот олишнинг усуллари бошқа жанрлардан фарқли ва ноодатий кўринишларда бўлади. Журналистнинг мақсади эса қай йўл билан бўлмасин, ҳақиқатни излаш ва кенг омма қаршисида акс эттириш. Ахборотни қўлга киритишнинг турли йўлларида фойдаланишнинг асосий мақсади ҳам, сабабчиси ҳам ҳақиқатни кўрсатиш бўлиб қолаверади.

¹⁹ Нестернеко Ф. Луғат. Журналистика. Реклама. Паблик Рилйшнз. Маълумотнома. Т.: Зар қалам, 2003. Б.77.

1991 йили «Совершенно секретно» теледастури эфирга узатилди ва Россия телевидениесида журналист текшируви жанридаги биринчи кўрсатувга айланди. Унга бошловчилик қилувчи Артем Боровик ўша даврда мамлакат президенти бўлган Михаил Горбачевдан интервью олган биринчи журналист бўлди. 1997, 1998, 2000 йилларда ушбу дастур миллий телевизион мукофотнинг финал босқичида иштирок этди, 1999 йилда «энг яхши публицистик дастур» деб топилди. Машхур фирмалар билан боғлиқ муаммолар, мансабдор шахсларнинг истеъфога чиқиши, йирик жиноятларнинг очилиши ушбу кўрсатувда эфирга узатилган асосий мавзу ва журналистик текширув ҳисобланади. Кучли мавзуларни олиб чиқаётган кўрсатув ўз вақтида тақиқларга ҳам учраган, телеэфирдан олиб ташланган. «ВГТРК» канали ўринбосари Михаил Лесиннинг «РИА Новости»га берган интервьюсида қайд этилишича, «Совершенно секретно» сиёсатга кўп урғу берди, бу эса унга чегара қўйишга мажбур қилди. Иккинчи томондан, кўрсатувга эътироз ва уни омма эътиборидан йўқотишнинг сабаби – яқинлашиб келаётган президент ва парламент сайловлари, деган тахминлар ҳам бўлди²⁰.

Ўзбек журналистикаси тарихида нафақат матбуотда, балки телевидениеда ҳам кўплаб журналист текширувлар эфирга узатилган. Кўплаб журналист текширувларининг муаллифи, журналист Муҳаммаджон Обидовнинг ижодий фаолияти ҳам яхшигина илмий тадқиқот ишига мавзу бўларли даражада. Бир неча йилар давомида журналистнинг катта ва шов-шувли текширувлари телевизион кўрсатувларнинг бош мавзусига айланган. Катта шов-шувларга сабаб бўлган ва ҳар бири йирик жиноий гуруҳлар фаолиятини фош этиш ва уларни қонун олдида жавоб беришлари билан якун топган.

²⁰ www.rian.ru

Ана шундай текширувлардан бири «Бой буванинг хотамтойлиги кимнинг ҳисобидан?»²¹ номли журналист текширувини олайлик. Хўш, бу мавзуга қўл урушга журналистни нима мажбур қилди? Неча йиллардан буён фаолият юритиб келаётган халқаро қўшма корхона фаолиятида мавжуд бўлган кемтикликлар нимаси билан журналистнинг эътиборини тортди?

Барчаси журналистнинг зийраклиги ва мавзуга кенгроқ ёндашишига бориб тақалади. Муҳаммаджон Обидовга вилоят ҳокимлигидан муҳим топшириқ юклатилади. Унга кўра, Қува туманида ўз фаолиятини бошлаётган Ўзбекистон-Туркия «Қуватекс» қўшма корхонасининг очилиш маросимини телевидение орқали ёритиш керак эди. Шундан сўнг қурилиш ишлари жадаллик билан бошлаб юборилди. Дилни хира қиладиган томони шундаки, қўшма корхона қурилиши керак бўлган майдонда ғалла экилган бўлиб, бир ой кутишса, бошоқлар ўриб олинар эди. Йўқ, улар кутишмади ва ҳамманинг кўз ўнгида буғдойзор пайхон қилинди, ер текисланди. Лойиҳага кўра қозик қоқилди.

Агар шу корхона ўз фаолиятини бошласа, ип йигирув, тўқув, тикув цехларида асосан қишлоқ аёллари ишлашлари мумкин бўларди. Аммо қурилиш ниҳоясига етаётган бўлса-да, ускуналардан ҳамон дарак йўқ. Ана шу нуқтада журналистда бирин-кетин саволлар туғила бошлаган. уларга асосли жавоб топа олмагач, қизиқувчанлик устун келиб, бирин-кетин қурилиш лойиҳаси, технологик жиҳозлаш дастури, уларни молиялаштириш асосларини мустақил тадқиқ эта бошлаган.

Ҳужжатларга кўра, «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси бир нечта туманларда шартномада кўрсатилган микдордаги пахтадан ортиқча ҳосилни йиғиб, жами 14,5 минг тонна тола хомашёсини Туркиянинг «Язекс» фирмасига сотиш ҳақида шартнома тузган. Ундан тушган

²¹ Муҳаммаджон Обидов. Журналист суриштируви: тажриба ва таҳлил. Ф.: «Фарғона» нашриёти, 2018 йил. 8 б.

пулларга эса дастгоҳлар олиш режалаштирилган. Муаммо шунда эдики, маҳсулот сотилган бўлса-да, дастгоҳлардан ҳамон дарак йўқ. Ана шундай кунларда журналистнинг қўлига муҳим ҳужжатлар тушиб қолади.

Шундан сўнг жиддий текширув бошлаган журналист бирин-кетин фирибгарликларни фош эта бошлайди. Бунда журналист қуйидагиларни ўз олдига вазифа қилиб қўяди:

- ҳужжатдаги маълумотларни сир сақлаш;
- ҳужжатдаги маълумотлар ҳақиқий эканлигини текшириш;
- қўшимча ахборотлар йиғиш;
- шу бўйича интервью берадиган инсонларни топиш.

Чуқур текширувлар натижасида маълум бўлдики, биринчидан, худуддаги пахталар жаҳон бозоридаги нархларга қараганда бир ярим баробар паст нархда сотилган. Шу билан бирга шартномага кўра, «Язекс» сотиб олаётган пахта толасининг пули аввалдан тўланиши белгиланган. Аммо Фарғона вилоятидан 14,5 минг тонна пахта толаси бир сўм ҳам тўланмасдан олиб чиқиб кетилган.

Журналист текширув жараёнини тасвирга олиб, «Ахборот» дастурида эфирга узатади. Ўша кунгидек бу масала ҳукумат даражасида ўрганила бошланади. Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган муҳокамада журналистнинг ўзи ҳам бевосита иштирок этади. Мунозаралардан олдин «Язекс»нинг Ўзбекистондаги раҳбари Муҳаммаджон Обидовга судга бериш билан таҳдид қилади. Аммо журналист ўзини ҳимояси учун яна бир муҳим ҳужжатни муҳокамагача эълон қилмаган, зарурат туғилсагина ошкор қилишни кўзлаган эди. Айнан шу ҳужжат орқали масала журналист фойдасига ҳал этилади ва жиноий гуруҳ устидан тергов ҳаракатлари бошлаб юборилади. «Язекс» раҳбари эса Ўзбекистондан қочиб кетишга муваффақ бўлади.

Бу биргина текширувнинг натижаси холос. Шу жараённинг ўзидаёқ, ҳам журналист, ҳам унинг жамоаси ва ўрганилаётган мавзуга алоқадор

инсонлар ўртасида узвий бир боғлиқлик бўлиб, жараён айнан уларнинг иштирокида содир бўлади. Воқеалар ойдинлашади. Муҳаммаджон Обидов ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида телевидениеда журналист текшируви жанрининг мустаҳкам тамал тошини қўйиб берди. Унинг «Лўли аравасидан чиққан можаро», «Импорт қилинган сарийғ кимга керак эди?», «Бефарқлик» каби бир қанча текширувлари шулар жумласидандир.

Умуман олганда телевидениеда журналист текширувини эфирга узатиш, бошқа оммавий ахборот воситаларига қараганда биров қийинроқдир. Суриштирув олиб бориш учун зарур маълумот ва фактларни йиғиш, ахборот манбалари билан ишлаш, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш каби босқичларни ўташда бир қатор усуллардан фойдаланилади. «Суд репортёрлари Гильдияси аъзоси Юлия Шум ушбу усуллардан энг асосийларини журналистлар қўллаши учун таклиф этади:

Дастлабки суриштирув. Кўпроқ қизиқарли китоб, газета ва журналларни ўқиш, ҳужжатли филмларни томоша қилиш. Библиография, бошқа кутубхона манбалари, маҳаллий, халқаро компьютер манбаларидан фойдаланиш.

Кузатув. Танлаб олинган объектнинг хизмат жойи, хизматдан ташқари фаолиятини қисқа ва узоқ муддат, бевосита ёки билвосита кузатиш мумкин. Бунинг натижасида олинган маълумотлар ҳам суриштирув учун қўшимча манба бўлиши мумкин.

Интервью. Айрим суриштирувлар ҳужжатларни ўрганишдан воқеага даҳлдор одамларни жалб қилиш билан давом этса, баъзан унинг акси ҳам бўлиши мумкин. Нима бўлишидан қатъи назар, интервью тўғри режалаштирилиши лозим. Журналист қандай саволлар бериши, қандай психологик усулдан фойдаланиши кераклигини билиши керак. иложи борица интервьюер билан учрашиши керак. чунки телефон орқали

суҳбатлашганда, жавоб берувчининг юзи, имо-ишораларини кўриб бўлмайди».²²

Суриштирув олиб бораётган журналист ўз хавфсизлиги ҳақида ҳам қайғуриши, бунда уни таҳририяти ёки кўрсатув муҳарририяти ҳам қўллаб-қувватлаши зарур. Сабаби телевизион текширув тайёрлаш фақатгина журналистнинг ўзига боғлиқ бўлмай, бунда у кўпларнинг ёрдамида фойдаланиши лозим.

²² Муҳаммаджон Обидов. Журналист суриштируви: тажриба ва таҳлил. Ф.: «Фарғона» нашриёти, 2018 йил. 94 б.

2.3. Ижтимоий тармоқларда журналист текширувининг ёритилиши

Бугунги кунга келиб, оммавий ахборот воситаларининг барча турлари жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Аввало, матбуот пайдо бўлган бўлса, вақт ўтиши билан телевидение ва радио кенг оммалашди. Ана шу пайтда матбуотнинг «умри тугади» дейдиганлар ҳам топилди. Амма ундай бўлгани йўқ.

Айни пайтда эса Интернет тармоқлари кенг ривожланган бўлса-да, бошқа турдаги оммавий ахборот воситалари ҳам ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бугунги кунда сайтларда, ижтимоий тармоқларда ҳам журналист текширувига кўзингиз тушиши мумкин. Бу текширувлар бошқа оммавий ахборот воситаларидан у қадар фарқ қилмаса-да, бир қатор афзалликларга эга. Зеро, Интернетда ҳам сўз, ҳам тасвир, ҳам овоз ва бошқа медиа воситаларидан ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Журналист белгиланган қонун-қоидалар асосида жамоатчиликка маълум бўлмаган масала юзасидан мустақил равишда текширув олиб бориши мумкин. Бу каби мақолалар шон-шухрат топиш, мўмай даромат орттириш учун эмас, балки жамиятни ҳақиқатдан бохабар қилиш учун ёзилади. Жараённинг ҳуқуқий асослари эса қонун ҳужжатлари орқали белгилаб қўйилган. Хусусан, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасида: «Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади», дейилади.

Журналист суриштируви муаллифдан ғоят чуқур ва ҳар тарафлама билим талаб қилади. Бу жанрда ижод қилиш учун соф қалб ва ҳалол кўлнинг ўзи кифоя қилмайди. Уларга ҳуқуқий кафолат, ахборот таъминотида кўмак, муҳаррир кўллови ҳам керак. цензура бекор

килинганининг ўзи журналист учун ҳуқуқий кафолат бўла олмайди. Ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият» бўлиш, давлат бошқарув институтлари фаолияти, барча даражадаги амалдорларнинг коррупцион ҳаракатига қарши самарали курашиш учун журналистга қонунда кафолатланган ҳуқуқлар кенгайтирилиши лозим»²³

Теширув жанрининг келажаги ҳақида баҳс борар экан, бу борада пессимистлар билан бирга оптимистлар ҳам кўплаб топилади. Ана шундай оптимистик руҳдаги мутахассислардан бири Брант Хьюстон – текширувчи мухбир ва муҳаррирлар ташкилотининг ижрочи директори. У 1975 йилдан бери ишлаб келаётган ва уч мингга яқин аъзоси бўлган ушбу ташкилот текширувчи журналистларга амалий кўмак беради.

«Б. Хьюстоннинг таъкидлашича, иқтисодий қийинчилик муҳитида турли оммавий ахборот воситалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик орқали текширувларни кўпайтириш мумкин. Масалан, «Нью-Йорк таймс» газетаси «PBS Fronline» сайти билан ҳамкорликда текширувлар ўтказяпти. Ҳудудларда ҳам маҳаллий газета, радио ёки телеканаллар биргаликда текширув олиб бориши мумкин. Бу маблағ ва вақтни тежашга ёрдам беради.»²⁴

Шу билан бирга у текширув ўтказиш учун грант ажратувчи ташкилотлардан самарали фойдаланиш кераклигини таъкидлайди. Дарвоқе, матбуот молиявий бўҳронлар домида қолган бир вазиятда журналист текшируви Интернет саҳифаларига кўчади, деган мулоҳазалар ҳам мавжуд. Бироқ бу мулоҳазалар анчайин мунозарали. Техник жиҳатдан бунга асослар етарли. Интернет ватани саналган АҚШда 70 фоиз аҳоли халқаро тармоқдан фойдаланиш имконига эга.

Амалиётда ҳам Google, Yahoo! Каби етакчи порталларда текширувни ёдга соладиган материалларни тез-тез ўқиш мумкин.

²³ М. ОБИДОВ. Журналист суриштируви: тажриба ва таҳлил. Т., «Фарғона», 2018, 4-бет.

²⁴ Собиржон Ёкубов. Текширув журналистикаси: янги давр муаммолари. Ўзбекистон матбуоти журнали. 2008 йил, 5-6 сон, 66б.

Масалан, Yahoo! томонидан ташкил этилган «Кевин Сайтс оловли нуқталарда» лойиҳаси миллионлаб ўқувчиларни жалб этди. Лойиҳа давомида журналист уруш кетаётган ҳудудларга борди ва у ердаги вазиятни Интернет ўқувчиларига ҳикоя қилиб берди.

Бироқ текширувнинг Интернетга кўчиши ҳақидаги фикрларни тўла қўллаб-қувватловчи мутахассислар кўп эмас. Нега деганда, бу ўринда анъанавий тарзда шаклланган текширув методлари, тамойиллари Интернетда қандай амал қилади, халқаро тармоқда материалларнинг тўғрилиги, далилланганини текшириш имкони мавжудми каби жиддий саволлар турибди.

Шунга қармасдан, бугунги кунда кўпгина ижтимоий тармоқлар ва сайтларда журналист текшируви остида мақолалар чоп этиб келинмоқда. «Кун.уз», «Дарё.уз», «Ҳуқуқбурч.уз» ана шундай сайтлар сирасига киради.

III БОБ. МАНБАЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ

3.1. Текширув жараёнида таҳлил маҳорати ва ҳужжатларнинг асосланганлиги

Инглизча «investigation» сўзи икки хил маънога эга. Биринчиси – «тадқиқот», иккинчиси – «текширув» сифатида журналист текшируви учун қўлланилади. Лекин журналист текширувида фактлар тўплаш жараёнида тадқиқот ҳам олиб боради. Унинг ахборот манбалари турлича бўлиши мумкин: инсонлар (гувоҳлар), ҳужжатлар, шахсий кузатув.

Ҳужжат – энг ишончли манба. Ҳужжатлар ёзма ёки босма, кино ёки фотоплёнка, аудио ёки видеоёзувлар бўлиши мумкин. Улар билан ишлаганда журналистдан тартиб ва зехн билан биргаликда маълумотларнинг ишончилигини текшириш, материалларни таҳлил қилиш талаб этилади. Шунингдек, уларни қўлга киритишда турли усуллардан фойдаланиш мумкин. Журналист текшируви инсонлардан интервью олишни тақозо этса, текширувчи журналист оддий суҳбатдош-журналистдан фарқли равишда нафақат қандай саволлар беришни, балки психологик ёндашувлардан фойдаланишни ҳам чуқур билиши лозим²⁵.

Журналист текшируви журналистикадаги энг ўткир ва масъулиятли йўналиш ҳисобланади. Хорижий тажрибада журналист текширувига махсус мухбирлар ихтисослашади ва таҳририятда журналист текшируви асосан улар томонидан олиб борилади. Лекин журналист текшируви ҳар қандай жамоатчилик билан ишлаш қобилиятига эга, синчков, ҳақиқатпарвар, фактлар тўплашга уста бўлган журналист томонидан ўтказилиши мумкин. Унда муаллиф томонидан ўз позицияси намоён этилиши баробарида аудитория учун хулоса чиқаришга ўрин қолдирилиши керак. Миш-мишлар журналист текширувини бошлаш учун асос бўлиши мумкин, лекин ахборот манбаи сифатида қўлланилмайди.

²⁵ www.revolution.allbest.ru

Текширувнинг илк иши – маълумот излаш. Умуман олганда, ҳар қандай жанрда ижод қилган журналист, у хоҳ шарҳловчи, хоҳ репортёр бўлсин, биринчи бажарадиган вазифаси маълумот излаш бўлади. Текширувчи журналист эса улардан фарқли ўлароқ, маълумотлар тўплаб муҳимини ажратиб олишдек мураккаб вазифани бажаради. У қўлига киритган барча ахборотни ҳам тақдим этавермайди. Иккинчидан, текширувчи журналист учун янгиликлар муҳбири ёки репортёрникидан кўра маълумот манбалари ёпиқ бўлади. Журналистлар ҳам маълумот тўплашда бошқалар билмайдиган, кўпчиликдан сир тутилаётган манбаларни очишга ҳаракат қилади. Журналист текширувида журналист мавзу ва ўрганилган муаммо юзасидан ўз хулосалари, таклифларини беради. Унда бошқа материалларга кўра муаллиф фикрининг қоришиб кетиши кўпроқ кузатилади. Бу аксарият ҳолларда очик берилмаса ҳам тўпланган фактлар ва унга изоҳлардан сезилиб қолади.

Журналист текширувида ёзиш услуби қайси мамлакат, қайси халқ учун ёзилаётганига қараб ҳам фарқланади. Масалан, Ғарб ва Америка аудиторияси фақат фактлардан иборат материални яхши қабул қилади, журналистнинг қўшимча мулоҳазаси ва хулосасини ҳавола этишни ноҳолилик, деб баҳолайди. Россия аудиторияси эса ҳиссиёт ва баҳо қўшилмаган материални қабул қилолмайди, уни мукамал эмас, деб ҳисоблайди. Нафақат аудитория, балки рус назариётчилари ҳам қуруқ ёзилган текширув мақоласига қарата журналистик текширув ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар текширувидан фарқ қилиши керак, деб фикр билдиради. Шундан келиб чиқиб, рус журналисти учун фактларни таҳлил қилиш ва вазиятни баҳолаш оқланади.

Журналист текшируви ишлаш учун кўп вақт ва шароит талаб этади. Бир мавзуда суриштирув олиб бораётган журналист ўша вақтнинг ўзида бошқа ишлар билан шуғулланиш имкониятига эга эмас. Бир масала бир неча кунлар, ҳафталар ёки ойлар мобайнида ўрганилади. Текширувнинг

қийинчиликлари вақт муаммоси, ишнинг ташкилий томони, ҳуқуқий жиҳатлари, ахборот манбаларини қидириб топиш ва ҳоказолар билан боғлиқ. Текширувни мукаммал даражада яқунлаш учун унга албатта кўп вақт ажратиш керак. Нашр муҳаррирлари мухбирларга етарли вақт ва шароит яратиб беришлари лозим. Журналист текшируви жанрида ижод қилиб, журналистиканинг тезкорлик талабига жавоб бериш қийин.

Журналист текшируви журналист ёки таҳририят, оммавий ахборот воситасининг ташаббуси билан, шунингдек, буюртма асосида ҳам бўлиши мумкин. Бунга оддий қараш ва фарқлаб олиш керак. Журналист текширувига буюртма бериш мумкин, лекин унинг натижасига эмас. Журналист ҳолислик билан ишлаб, буюртма берган томоннинг зиёнига ишлайдиган фактларни йиғиши мумкин. Муаллиф бунга эришиш ва ҳалол текширув олиб бориши учун буюртма берувчидан фақат мавзунигина аниқлаштириб олиши, ахборот манбалари ва иш йўналиши бўйича маслаҳатлашмаслиги даркор²⁶. Охирги пайтлар айрим журналистлар томонидан ноҳолис журналистик текширувлар олиб борилиши, буюртма берган томоннинг манфаатларига оғишиб, мансабини суиистеъмол қилиш ҳоллари кузатилгач, ҳолис тайёрланган материалларга ҳам шубҳа билан қараш пайдо бўлиб қолди. Бу таҳририят томонидан журналистик текширувлар чоп этилишига рухсат берилмаслигининг бир сабабига айланди.

Журналистнинг ижодий фаолияти ҳақида гапирганда унинг уч таркибий қисмдан иборат эканлигини кўриш мумкин. Журналист, биринчи навбатда муаллиф, ижодкордир. Матбуотнинг турли жанрларига оид бўлган ўз асарлари билан газета саҳифаларида доимий равишда иштирок этиш – журналистнинг бош вазифаси ва муҳим ижодий бурчи ҳисобланади. Ўз касбини пухта эгаллаш, ўткир қалам эгаси бўлиш,

²⁶ www.evarist.narod.ru

ижтимоий иллатларни мурасасиз равишда фош этиш, доимо изланиш, ижод қилиш, маҳоратини муттасил ошириб бориш – журналистнинг ижодий қиёфасини белгиловчи бош мезони. Ўзининг бутун билими, маҳорати, ғоявий-сиёсий дунёқарашини журналист асарлари орқали баён этади ёки бошқача қилиб айтганда, ўз асарлари билан жамиятга хизмат қилади²⁷.

Журналист учун асл ҳолат ва ҳақиқатни билиш ёки топишнинг ўзи етмайди, уни жамоатчилик кўз ўнгида исботлаб бериши, ишонтира олиши керак. Бунинг учун эса иш жараёнида журналистлар воқеликка дахлдор асосий факт ва далилларни излайдилар ва уларга таянадилар, тўғрилиқни исботлашдаги асосий қурол – факт бўлади.

«Адолат» газетасининг 2011 йил 11 февраль сонидида чоп этилган «Қоғозда бажарилаётган ишлар» сарлавҳали мақолада журналист томонидан Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги ёшларнинг бандлик масаласи ўрганилган. Мухбир Саидолим Абдурахмонов сўзининг бошида глобал муаммо саналган ишсизликни жузъий камчилик, деб баҳолайди ва бу борада давлат томонидан бажарилаётган ислохотларни санайди. Мақолада келтирилишича, мазкур ҳудудда 2010 йилда янги иш жойлари ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилган, режа ортиғи билан бажарилган, лекин муаммо бартараф бўлмапти. Айримлар рўйхатда гўё ишли одам сифатида турганини ёзади. Журналист текширув давомида факт ва рақамлар билан кўп ишлаган, уларни таққослаб таҳлил қилган. Масалан, 2009-2010 ўқув йилида 9та касб-ҳунар коллежини жами 3141та талаба битиргани, уларнинг 300 нафари ишсизлигини келтиради. 27511та кичик бизнес субъектларидан 2054таси фаолият кўрсатмаётгани ҳудудда аҳолини, ёшларни иш билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатишини ёзади. Мазкур газета партия нашри бўлгани учун журналист

²⁷ М. Худойкулов. Матбуот ва жамият. Т.: Ўзбекистон, 1976. Б. 94.

мавзуни ўрганиш жараёнида муаммога депутатларнинг муносабатига эътибор қаратади. «Адолат» СДП туман кенгаши фаоллари ва депутатлик гуруҳларининг суствлиги, сессияларда аҳолини, жумладан, ёшларни иш билан таъминлаш масаласи бор-йўғи бир марта олиб чиқилганини таъкидлаган ҳолда, рақобатдош партия Халқ демократик партиясининг асосий йўналиши бўлишига қарамай, ушбу масалага бефарқлигини қистириб ўтади. Туман ҳокими ҳам ХДПнинг аъзоси эканлигига урғу беради. Хулоса ўрнида туманда иш олиб бораётган барча сиёсий партиялар фаолларидан, айниқса, депутатлардан жамоатчилик назоратини кучайтириш кераклиги баён этилади.

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2010 йил 20 ноябрь сониди газета мухбири Иброҳим Жонузоқовнинг «Лоқайдлик оқибати» сарлавҳали журналистик текшируви эълон қилинган. Унда Сирдарё вилоятида яшаган 26 ёшли ҳомиладор аёлнинг вафот этиш сабаб ва айбдорлари таҳлил этилган. Мақола бошида марҳуманинг онасидан олинган интервью келтирилади. Даъвогар ҳам, асосий гувоҳ ҳам шу шахс ҳисобланади. Чунки у соғлиғи ёмонлашган қизини шифохонага олиб борганида, акушер гинеколог кўрикдан ўтказиб, беш ойлик ҳомила она қорнида нобуд бўлганини аниқлайди, лекин беморни шифохонага ётқизиш ва керакли чораларни кўриш ўрнига тегишли ускуналари тайёр эмаслигини айтиб уйига жўнатиб юборади. Шунингдек, она қизига шифокор томонидан қўпол муомала қилинганини айтади. Ҳолат юзасидан журналист акушер гинеколог билан гаплашади ва унинг «Кўлимдан келган ишни қилдим. Беморнинг ўзи соғлиғига лоқайд бўлган» мазмунидаги кўрсатмаси ва қўпол муомала қилганини рад этганини ҳавола этади. Марҳуманинг қайнонаси келини иш билан бўлиб, соғлиғига яхши қаролмаганини билдиради. Журналист ҳақиқатни аниқлаштириш мақсадида қишлоқдаги фельдшер акушерлик пункти ходими, акушерлик комплекси акушер гинекологи, туман ҳокими ўринбосари, вилоят соғлиқни сақлаш

бошқармаси ҳуқуқшуноси, туман ички ишлар бўлими терговчиси билан воқеа юзасидан суҳбатлашади. Уларнинг ҳар бири турлича фикр ва важлар келтиради. Уларнинг ҳаммаси ҳам асослига ўхшаб қолгач, журналист хулоса чиқаришга қийналади ва бир томонни юз фоиз ҳақ, иккинчи томонни ноҳақ дейиш фикридан йироқмиз, деб ёзади. Кўрсатма берувчиларнинг икки томонга бўлиниб қолганининг сабаби уларнинг бир қисми беморнинг ўзини соғлиғига бефарқ бўлганликда айблаган бўлса, иккинчи қисми тиббиёт ходимларини фожиага сабабчи қилиб кўрсатган. Журналист бу икки фикрга ҳам қўшилади, лекин мақолага илова қилинган таҳририят фикрида тиббиёт ходимларига кўпроқ айблов қўйилгани сезилиб қолган. Унда ҳалол ва фидойи касбдошлари шаънига доғ тушираётганлар озгина айби бўлса ҳам жазосиз қолмаслиги лозимлиги таъкидланади. Бир оз вақт ўтиб, газетанинг 2011 йил 8 январь сониди мазкур журналистик текширувга жавоб эълон қилинди. Унда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармасининг хати тўлиғича келтирилади. Бу хат газетадаги журналистик текширувдан кейин эмас, марҳуманинг онаси томонидан вазирликка берилган шикоят аризасига кўра ёзилган. Унда бемор соғлиғи ёмонлашган пайт шифохонага ётгани, лекин даволаниш тугамай ўз хоҳиши билан чиқиб кетгани, ҳомила нобуд бўлган пайт геникологга мурожаат қилганида унинг тиббий асбоб-ускуналари тайёр эмаслигини тушунтиргани ёзилади. Вафот этгани сабаби эса ҳомиладор аёлда умумий тутқаноқ кузатилгани, чора-тадбирлар ёрдам бермагани, деб асосланади. Хатда суд-тиббиёт экспертиза бюроси томонидан берилган хулоса ҳам келтирилади ва унда ҳам ҳомиладорликнинг асоратли кечиши ташхиси қўйилганини кўриш мумкин. Шунингдек, хатда туғруқ бўлим мудир, айбланаётган акушер гениколог эгаллаб турган лавозимидан озод қилингани, бошқа шифокорларга интизомий жазо қўллангани, марҳуманинг оила аъзолари билан суҳбат ўтказилиб, ҳолат батафсил

тушунтирилгани ёзилади. Бу гал ҳам таҳририят фикри илова қилиниб, энди таҳририят олдингисидан фарқли ўлароқ беморни кўпроқ айблаган. Таҳририят ва журналист охирги кўрсатма (расмий хат) орқали шу хулосага келган. Масаланинг моҳиятига етиш мақсадида қўшимча изланишлар ўтказмаган. Воқеанинг нима билан тугалланганини аудиторияга етказиш вазифасини бажардилар, лекин шундай якун, шундай ҳукм қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини кўрсатиб беролмадилар. Беморни соғлиғига лоқайдликда айблаб чиқариб қўйилган хулоса бунинг ўрнига ўтмайди.

«Туркистон» газетасининг 2011 йил 26 март сонида Темур Давидовнинг «Бегоналар орасидаги «бегоналар» сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Унда АҚШ томонидан дунё бўйлаб ўтказилаётган таълим, иш, саёҳатга мўлжалланган дастурлари, улар орқали Америкага бораётган инсонлар, айниқса, ёшларнинг муаммоларга дуч келгани ёритилган. Муаллиф аввало бундай хорижий дастурлар ва уларнинг яширинган мақсадлари, бошқа давлат фуқароларига келтираётган зарарлари ҳақида тўхталиб, мақоланинг кейинги қисмида икки нафар ўзбек йигитининг Американинг шундай дастури билан бу мамлакатга боргани ва алдангани ҳақида ҳикоя қилинади. Журналист бу икки қаҳрамон мисолида хорижий дастурларнинг моддий ва маънавий зарари, улар миссионерлар ва ноқонуний миграция билан шуғулланувчилар манфаати йўлида ишлаши ҳақида аниқ мисоллар келтиради. Мақола орқали АҚШ давлати кескин танқид остига олинади, демократия ва инсон ҳуқуқлари тарғиботчилига даъво қилаётган мамлакатда меҳнаткашлар ва болалар ҳуқуқи оёқости қилиниши ҳоллари очиб берилган.

Жамиятда журналист текшируви боп мавзулар етарлича, гап уларнинг кўтарилмаслигида эмас. Агар ўзбек журналистлари томонидан мавжуд муаммолар умуман кўтарилмайди, десак хато қилган бўламиз. Аммо масаланинг илдизи ана шу муаммонинг қандай кўтарилиши, таҳлил

этилиши ва ёндашувга бориб тақалади. «Ўзбекистон овози» газетасининг 2011 йил 43-сонида газета мухбири Абдумалик Ҳайдаров Жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман суди раиси Ҳасан Давлатов билан ҳаммуаллифликда «Пластикни пул қилиб бераман» сарлавҳали мақола ёзади. Унда “банк пластик карточкангизни нақд пул қилиб бераман”, деб бир неча инсонларнинг карточкаларини олган, лекин ваъдасини устидан чиқмай ғойиб бўлган, баъзи инсонларнинг хоҳишини бажаргани билан фоиз ушлаб қолган ва пул ечишда кўзбўямачиликлар қилган таъмагирлар ҳақида сўз боради. Жабрланувчилардан бири журналистга интервью бериб, «Ўн нафарга яқин ўқитувчи унга эргашиб Деновга бордик», дейди. Шундан билиниб турибдики, ўқитувчилар ойлик маошининг кўп қисми банк пластик карточкасига ўтказилган, уларга эса нақд пул керак. Пластик карточкадаги пулни ишлата олмагандирки, сарсонгарчиликка қарамай узоқ жойга борган ва бегона одамга ишонишга мажбур бўлган. Журналист эса бу жиҳатдан оғиз очмайди. Журналист масалани шу ерда тўхтатиб, нега инсонлар пластик карточкадан эҳтиёжлари йўлида ва самарали фойдаланишда ноқулайликларга дуч келмоқда, саволини қўйиб, айнан шу муаммо юзасидан журналист текшируви ўтказиши мумкин эди. Аудитория ҳам ундан шуни кутади. Мақолани ўқиган муштарийда муаллиф ўзи айтган «пластик қаллоблари қўпаяётганидан кўз юммаслик даркор» фикридан кейин «Унинг юзага келиш сабаблари нима?», «Нега инсонларда пластик карточкадаги маблағни нақд пулга айлантириш эҳтиёжи туғилди?», «Нега бу масалани банкда ҳал этолмай, фирибгар тузоғига илиндилар?» каби саволлар туғилади. Мақолада эса ушбу саволларга жавоб йўқ. Журналист ҳолат юзасидан давлат солиқ инспекцияси раҳбари, банк ходими, давлат солиқ бошқармаси вакилидан интервью олади. Уларнинг кўрсатмаларида ҳам асосий масала – банк пластик карточкалари туғдираётган ноқулайликлар, пластик карточка билан муомалани кенг йўлга қўйишдаги муаммолар, банкоматларнинг

етарлича эмаслиги ва аҳоли истаган вақтда банкдан пластик карточкадаги пулни нақд пулга айлантира олмаслик масалалари акс этмаган. Балки журналист томонидан бундай савол берилмагандир, ахир у фақатгина пластик карточкалар орқали фойда кўраётган фирибгарлар ҳақида ёзишни мақсад қилган-ку.

Журналистда муаммога нисбатан шубҳа мавжуд, аммо факт йўқ бўлган вазият ҳам учрайди. Бунда одатдаги фаолиятдан кўп вақт ва куч талаб этилади, шунингдек, бундай мавзуларга бир эмас, бир неча мухбир жалб этилиши ҳам ўринли. Ҳаммуаллифликда тайёрланган журналистик текширувлар амалиётда кўп учрайди. Буни, айниқса, Россиянинг «Аргументы и факты» газетасида етарлича учратиш мумкин. Текширув олиб бориш учун журналистлар гуруҳининг тузилиши сабаби, биринчидан, мавзуни ҳар томонлама ва чуқур ўрганишга интилиш бўлса, иккинчидан, текширув олиб бориш нисбатан хавфли журналистик фаолият бўлгани учун муаллифлар бунга биргаликда тайёр туришлари, бир-бирларини химоя қилишлари учун осонлик туғдиради.

Ҳар қандай журналист учун маҳорат фаолиятидаги энг муҳим масалалар қаторида туради. Таҳлилий жанрда ижод қилувчи, текширув олиб боровчи журналист учун эса юксак профессионал маҳорат билан биргаликда ана шу маҳоратини холислик билан кўрсатиб бериш ҳам талаб этилади. Зеро, ишининг асосий ғояси ҳақиқат бўлган текширувчи журналист ҳар бир сўзида масалага одилona ёндашиши лозим.

3.2. Журналист текширувида шахс феномени: позиция, психология, этика

Журналист текшируви чоғида журналистнинг шахси, унинг нуқтаи назари, кўрилаётган масала ёки муаммога нисбатан инсоний, касбий ва фуқаровий позицияси аниқ намоён бўлиб туради. Журналист текшируви жараёнида журналист кўплаб ва турфа тоифадаги шахслар билан мулоқотга киришади, ахборот олишдан ториб, уни тартибга солиш, ундан фойдаланишгача журналист муносабатлар оламида яшайди. Бу жанр журналистдан тадқиқотчилик, назарий билимларни пухта эгаллаган олимлик, воқеликни яхши билган амалиётчиликни тақозо этади. Журналист текшируви журналист маҳоратининг кўзгуси бўлиши билан бир вақтда унинг ҳам инсоний, ҳам касбий одобини бутун мураккаблиги, керак бўлса, барча сир-асрорлари билан яққол намоён этади.

Журналистиканинг бош фигураси журналистдир. Битта газета мақоласининг вужудга келиши, яратилиши, эълон этилиши ва эълон этилгач кечадиган жараёнлари – шуларнинг барчасининг марказида журналист шахси туради. Жумладан, журналист текшируви жанрига мансуб матбуот чиқишларининг бош қаҳрамони ҳам журналистдир, унинг шахсидир. Тўғри, журналистиканинг энг ихчам жанри бўлмиш оддий ахборотнинг вужудга келишида ҳам мухбирнинг психологияси «иштирок» этмай қолмайди, лекин журналистиканинг йирик жанрлари, жумладан журналист текширувига мансуб мақолаларда муаллифнинг шахси, психологияси бор мураккаблиги билан кўзга ташланади²⁸.

Журналист текшируви жанрида ижод қиладиган журналистлар «investigator», унда касбини ўзгартирадиганлар «muckraker» деб аталади. Аслида «muckraker»лар ҳар доим ҳам касбини ўзгартирувчи бўлмай, бу сенсацион ахборот тайёрловчиларга нисбатан қўлланилади. «muckraker» –

²⁸ Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил (Монография) Т.: Янги аср авлоди, 2007. Б.166.

«ахлат титувчилар» деб ҳам таржима қилинади. Буни 1906 йил АҚШ Президенти Теодор Рузвельт ишлатган. А.И.Волков бундай журналистларга «тозаловчилар» деб таъриф беради ва ёмонликка қарши, ҳақиқатнинг қарор топиши учун курашувчи сифатида кўрсатади²⁹.

Жамиятни эркинлаштириш, демократик тамойилларнинг кенг ёйилиши, чуқур илдиз отишига кўмаклашишга даъват этилган ижодий жамоа – оммавий ахборот воситалари, таҳририятларнинг ўзида шу руҳ кенг намоён бўлиши керак. Журналист касбидаги кишилар бошқаларга нисбатан эркинликка кўпроқ интилади, жойларда ўзларини эмин-эркин тутлади. Табиатдан улар шундай яралган бўлсалар ажаб эмас³⁰.

Журналист текширувининг предметини аниқлашда Ғарб олимлари деярли ҳар доим коррупцияга қарши кураш мавзусини таъкидлайдилар. Чунки у ҳар бир давлат учун оғриқли муаммо бўлиб, мазкур мавзу сиёсатчилар, депутатлар ва президентлар томонидан нутқларда кўп кўтарилади. Журналистлар эса мавзунини ёритишда ушбу нутқларни, коррупцияга қарши кураш йўлида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг дастак қилиб олишади. Улар иш бермаётгани, амалда коррупция кўп кузатилаётганини муаммо ва текширув объекти сифатида кўндаланг кўядилар.

Бир қатор журналистик текширувлар журналист қўлига махфий ҳужжатлар тушиб қолгандан кейин ўтказилган. Сир сақланган ҳисобот ёки баённомалар репортёрларнинг текшируви учун мотив вазифасини ўтаган. Қоғозбозлар сир тутилиши унчалик шарт бўлмаган ҳужжатларни ҳам

²⁹ Волков А. И.. Опасная профессия. М.: 1995-1997. С.20

³⁰ И.Сулаймонов. Мен – журналистман. Т.: 2001. Шарқ, Б.18.

инсонлар кўзидан яширишга уринади, бу эса журналистларни шубҳага солади³¹.

Текширув ўтказувчи, яъни текширувчи текширилувчидан психологик жиҳатдан устунлик қилади. Унинг савол-муомаласида, ўзини тутишида кўз қарашларида ана шу устунлик кайфияти бўртиб кўринади. Текширув давом этиб, камчилик ва нуқсонларни ифода этувчи маълумотлар тасдиқлангани сайин текширилувчининг бўйни қанчалик эгилса, текширувчининг тили шунчалик бийронлашади. Қиёс, таҳлил, тадқиқ натижасида асл манзара ойдинлашиб, ҳукм ва ҳулоса палласига яқинлашгани сайин журналист ўзини доно кашфиётчидан кам сезмайди. Бундай мураккаб психологик эйфория ҳолатини бошдан кечириш ҳар қандай одамнинг, жумладан журналистнинг ҳам феълига, тафаккур тарзига, кибр-ҳавосига таъсир кўрсатмай қолмайди³².

Журналист текширувида журналист психологияси касбий фаолият ва ижодга таъсир кўрсатувчи омиллардан саналади. Мавзу топилганидан бошлаб уни ўрганиш, ёзиш, таҳририятга ҳавола этиш, газета орқали оммага тақдим этилиши ва ундан кейинги муносабатларга жавоб бериш жараёнларида журналистнинг характери, темпераменти, ҳиссиётлари, позицияси ҳамда этикаси бўй кўрсатади. Биргина сарлавҳанинг ўзиёқ журналистнинг ёндашуви, зиддиятли томонларнинг қай бирига кўпроқ ён босишини кўрсатиб қўяди. Журналистнинг касбий маҳорати, билим савияси, нуқтаи назарини кўрсатиш, аудитория ва касбий доира олдида ўзига хос имижни шакллантиришда ҳам журналист текшируви асосий йўналиш ҳисобланади.

³¹ Рэндалл Д. Универсальный журналист. Центральноазиатская школа молодых журналистов. Алматы, 1996. С.116.

³² Х.Дўстмуҳаммад. Журналист текшируви: матбуотни эркинлаштириш йўли. «Хуррият» газетаси, 2004 йил, 26-июнь сони.

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2010 йил 27 ноябрь сониди «Мулоҳаза учун мавзу» рукни остида газета мухбири Рўзимбой Ҳасаннинг «Йўловчига йўл азобми?» сарлавҳали мақоласи чиққан. Унда Хоразмнинг бир қатор шаҳар ва туман марказларидан пойтахтга автобуслар қатновидаги муаммо, йўлда тўхтайдиган ошхона ва тунаш учун меҳмонхоналардаги аҳвол очиб берилган. Суриштирув олиб бориш ва мақола ёзишга кейинги вақтларда автобусларда йўлга чиққан йўловчиларнинг эътирози сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам муаллиф биринчи ўринда йўловчиларнинг фикрини интервью шаклида келтиради. Улар кечки соат ўндан тонгги соат олтигача транспорт қатнови тўхтатиб қўйилиши, йўл бўйи ошхоналарда кечки овқат ва тунаш учун қолишлари, бунда на дам олиш, на ухлаш учун шароит борлигидан шикоят қилишади. Шунингдек, йўловчиларнинг вақти исроф бўляпти. Минг километрлик масофани босиб ўтиш учун 24 соат сарфланяпти. Йўловчилар йўл ҳақи киши бошига 25 минг сўмлиги, лекин бу ўзини оқламаслиги, чунки шарт-шароит етарли бўлмай, одамлар толиқиб қолиши, қарияларга тиббий ёрдам кўрсатишга тўғри келганидан нолиб интервью берганлар. Журналист Хоразм шоҳ бекати директори билан ҳам суҳбатлашган. У барча шарт-шароит борлигини, йўл ҳақи поезддагидан кўра икки ҳисса арзонлиги, чипталар пул ўтказиш ва пластик карточкадаги маблағ ҳисобига берилиши қулайлик туғдириши ҳақида гапиради. Шу ўринда автобус ҳайдовчиси ҳам суҳбатга чорланади ва у муаммо йўқлигига ҳайдовчиликда тажрибаси катталигини рўқач қилади. Муаллиф юқоридаги респондентлар билан чекланмасдан, Урганч шаҳридаги «Оқ йўл» СДД масъулияти чекланган жамият директорининг фикрлари билан ҳам қизиқади. У йўловчи ташийдиган поездларнинг бирмунча афзаллиги, лекин баъзилар учун автобус қатнови қулайлиги, арзонлиги, шунинг учун автобус қатновини янгича шароитларга ўтказиш кераклигини гапиради. Журналист ўз хулосасида тўхташ жойларидаги ошхона ва

меҳмонхоналардаги шароитга кўп урғу беради ва қулай кемпинглар жорий этиш таклифини киритади. Мазкур журналист текшируви мавзунинг долзарблиги, аҳолининг кенг қатламини қизиқтириши, муаммонинг аниқ қўйилгани, журналистнинг кўплаб манбалар билан ишлагани ва чуқур кириб боргани билан бошқаларидан фарқ қилади.

Журналист текшируви ўтказилаётган воқеа ҳар доим ҳам бирор жиноят ёки қонунбузарлик бўлмайди, шунчаки бесабаб яширилаётган объект журналистда шубҳа туғдиради ва мавзу кўтариб, унинг тагига етиш пайига тушади. Аниқлашлари натижасида, ноқонунийлик сезилмаса, қайсидир журналист ишни шу жойда, оммавий ахборот воситасига олиб чиқмай тугатади, бошқа бир журналист муаммони сунъийлаштиради. Бунинг сабаблари турлича. Ноқонунийлик сезилмагач, ишни тугатиш, ОАВга тақдим этмаслик холис журналистнинг иши. Аммо кимдир касбида шон-шуҳрат қозониш, кимдир эса меҳнати зое кетмаслиги маъносида ишни тўхтатмайди. Буларнинг бари журналист текшируви жараёнига таъсир қилувчи омиллар бўлиши билан бирга, улар мураккаб психологик хусусиятларга ҳам эга. Айнан шу жиҳатнинг ўзи журналист текширувининг кўп ҳолларда тақдирини белгилайди.

Журналист текшируви нисбатан кўп меҳнат ва вақт талаб этиши сир эмас. Текширувни охиригача олиб бормаслик ҳолатлари бошқача ҳам бўлиши мумкин. Танқид остига олинаётган томоннинг бундан хабар топиб, ўзини оқлаш ҳаракатига тушиб қолиши, таҳририятга тазйиқ ўтказиши, бош муҳаррирнинг мухбирга ишни тўхтатиш талабини қўйиши ва ҳоказо. Демак, журналист текшируви жараёнида иштирок этадиган томонлар орасидаги психологик муносабатлар ҳам бевосита адолатсизлик ёки ноқонунийликни фош этишга таъсир кўрсатади.

Журналист текширувларининг таҳририятга келган шикоят хатлари асосида олиб бориш ҳолати ҳам мавжуд. Баъзан шундай ҳам бўладики, таҳририятга шикоят билан мурожаат қилган фуқаро маълум бир вақт ўтиб,

(бунда журналист текшируви ўтказиш жараёни кетаётган бўлади), фикридан қайтади, даъвоси ва кўрсатмаларидан воз кечади. Бунда одатда журналист текшируви тўхтатилади, башарти материал тайёр бўлса ҳам, ОАВга олиб чиқилмайди. Шикоятчидан журналистни чалғитгани, асоссиз вақтини олгани учун жарима ундирилади. Ёки журналистнинг тўплаган фактлари асосли, муаммо бир шахс эмас, жамият аҳамиятига молик бўлса, оммага тақдим этилиши зарур ҳисобланса, шикоят эгаси воз кечган ҳолда ҳам текширув мақоласи эълон қилиниши мумкин. Бу журналист ва таҳририятнинг журъати ҳамда қатъий позициясига боғлиқ.

Журналист текшируви қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаб бериш эмас, балки ҳеч ким илғамаган ёки омма эътиборидан яширилаётган фактларни йиғиш, мураккаб вазиятларнинг моҳиятига етиш учун ўқувчига ёрдам беришдир. Профессионал текширув олиб боришни мақсад қилган журналист учун қуйидаги омиллар зарур:

- объект устидан кузатув
- ҳужжатлар таҳлили
- манбалар билан ишлаш (архив, қонун ҳужжатлари, солиқ ҳужжатлари, тегишли ёзишмаларни ўрганиш)
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик
- касбини ўзгартириш³³.

Замонавий жамият оммавий ахборот воситалари вазифаларининг ахборот оқими мислсиз кучайган ҳозирги шароитда мазмун-моҳиятан ўзгарганини эътироф этиш жоиз, бу эса замонавий журналистика олдига фаолиятдаги психологик омилларга жиддий эътибор қаратиш вазифасини ҳам қўймоқда.

Журналистика билан ижод ўзаро боғлиқ бўлганидек, психология ҳам унинг ажралмас таркибий қисмига киради. Сўнги йилларда кўпгина

³³ www.wikipedia.org

хорижий таҳририятларда махсус «Газетанинг психологик хизмати», «Социал-психологик тадқиқотлар маркази», «Социал-психологик маълумотлар» каби бўлимлар ташкил этилди. Ўзбек газеталари таҳририятларга ҳозирча бу анъана етиб келмаган. Таҳририят жамоасида психолог мутахассислар учраши мумкин, лекин улар психологик мавзудаги мақолалар учун эксперт вазифасини ўтайди, тавсия ва маслаҳатлар, саволларга жавоб бериш билан шуғулланади ёки газетанинг психологияга оид саҳифасини мунтазам равишда олиб боради. Лекин таҳририятда фаолият юритадиган журналистлар ва уларнинг ишидаги психологик мезонларни ўрганиш унинг вазифаси доирасига киритилмаган. Москва давлат университетининг журналистика факультетида «Журналист ижодининг психологияси», «Журналист мулоқоти психологияси», «Реклама психологияси» номли ўқув курслари таълим тизимига киритилган³⁴.

Халқаро этика институти мутахассиси Рушворд Киддер «Журналист аввало ўз қоидаларига амал қилиши даркор. Журналист давлат ёки у чиқарган қонунлардан ҳам кўра ҳақиқатга бўйсунishi, тоза виждонига таяниб ишлаши керак»³⁵, деб фикр билдирган. Британия журналисти Дэвид Рендалл эса «Журналист фақат газета ва унинг ўқувчиларига хизмат қилиши лозим, ундан бошқа на бир сиёсий партия, на тижорий ташкилотлар манфаатига ён босиши керак»³⁶, дейди. Шунингдек, у оммавий ахборот воситалари ҳокимиятга уларни манипуляция қилиш, фаолиятига аралашишига йўл бермаслиги керак, деган фикрни илгари сурган.

³⁴ Пронина Е. Материалы секции «Медиапсихология» международной научно-практической конференции «Журналистика в 2000 году: Реалии и прогнозы развития». М.: МГУ, 2001. (Электронная книга)

³⁵ www.journalism.berkeley.edu

³⁶ Ўша манба

Журналист текширувида холисликни сақлаш, бирор томонга оғмаслик, манфаатдор бўлиб қолишга йўл қўймаслик, мавжуд қонунларга суяниш журналистдан касб одобига ниҳоятда қатъий риоя этишни тақозо этади. Етти ўлчаб бир кесиш, ўйнаб гапирса-да, ўйлаб гапириш мазмунидаги ҳикматлар текширув олиб боровчи журналистларимизни ҳамиша хушёрликка даъват этади. Шу йўлни танлаган журналистнинг шахси, шахсияти мақоладан мақолага шаклланиб, товланиб бораверади. Текширув натижалари эълон қилинганч юз берадиган «тўқнашув»ларда мағлубиятга учраган тақдирда ҳам у чекинмайди – қайта «жанг»га киришади³⁷.

Журналист текширувида журналист қисман детектив вазифасини бажаради. Фаолиятининг баъзи қисми милицияникига ҳам ўхшаб кетади. Аслида текширув олиб бораётган журналистнинг вазифаси жиноятни аниқлаш эмас (чунки бу ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг вазифаси), балки бу каби жиноятларнинг содир бўлиши, жамиятнинг ҳаракатсиз қолаётган механизмлари ва уларнинг юзага чиқишига тўсқинлик қилаётган иллатларни ёритиб беришдир. Журналист судья – ҳакам вазифасини ҳам бажармайди. Воқеа, ҳолат, жиноий вазиятларни у ўз талқини асосида ёритиши, якуний хулоса чиқармаслиги керак. Унинг вазифаси – жамоатчилик диққатини жалб этиш, томошабин ва ўқувчилар фикрига таъсир этишдир.

Журналист фаолиятининг умумий ҳолати касбининг жавобгарлиги юқорилиги, изланувчанлиги, жиддийлиги, оммавийлиги билан фарқлидир. Бу касб сабр-бардошли бўлишни, ҳақиқатгўйликни, ватанпарварликни, ижодкорликни, билимдонлик ва меҳнатга масъулликни, қонун нормаларига риоя этишни талаб қилади. Журналистлар фаолиятининг асосий қисми инсонлар билан ўзаро мулоқотлар жараёнида кечганлиги

³⁷ Х Дўстмуҳаммад. “Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил (Монография) Т.: Янги аср авлоди, 2007. Б. 167.

сабабли гуруҳ, аудитория, жамоа, шахс кабиларнинг характер хусусиятларига эътиборли бўлиш ва режали иш юритиш аҳамиятлидир. Чунки ҳар доим ҳам кўзланган мақсадга эришиш қийин. Журналистика соҳасининг ўзига хос бўлган мутахассислик талаби, касбий меҳнати фаолияти нуқта назаридан ижодкор бўла олишлигидир³⁸. Бу айниқса журналист текшируви жанрида ижод қиладиган оммавий ахборот воситалари ходимларидан талаб этилади. Чунки унда биринчидан, журналист психологияси яққол намоён бўлса, иккинчидан, профессионал изланишни мақсад қилган журналист учун аудитория психологиясига киришиш, воқеа-ходиса қаҳрамони руҳиятига хос ҳолатларни аниқлаш, респондентнинг психологик жиҳатларини эътибордан четда қолдирмаслик талаб этилади.

³⁸ Аҳмедова М. Журналистика ва психология. Т.: Шарқ, 2010 Б.122.

3.3. Журналист текширувининг аудиторияга кўрсатадиган психологик таъсири

Журналист белгиланган қонун-қоидалар асосида жамоатчиликка маълум бўлмаган масала юзасидан мустақил равишда текширув олиб бориши мумкин. Бу каби мақолалар шон-шухрат топиш, мўмай даромат орттириш учун эмас, балки жамиятни ҳақиқатдан бохабар қилиш учун ёзилади. Жараёнинг ҳуқуқий асослари эса қонун ҳужжатлари орқали белгилаб қўйилган. Хусусан, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасида: «Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади», дейилади.

Текширув жараёни мураккаб тузилишга эга. Бунда журналист ҳар бир маълумотни синчиклаб ўрганиши, солиштириши, ҳақиқатга мос келиш, келмаслигини ўрганиши лозим. Жараён мутлақо холис тарзда баён этилиши лозим. Бу ўринда 3 параметр назарда тутилади.

1. «Журналист исботланиши мумкин бўлган фактларнинг ҳаққонийлигини тан олиши лозим. Агар фактлар гипотеза (текшириши керак бўлган нарс) нотўғри эканидан далолат берса, унда гипотеза алмаштирилади. Фактларни эътиборсиз қолдириш мумкин эмас.
2. Суриштирувчи ноҳақ бўлиб чиқиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда ишга киришиш лозим. Бу ҳолда унга ташқаридан ёрдам зарур бўлади.
3. Холис суриштирув — ҳар бир профессионалнинг орзусидир. Афсуски, кўп ҳолларда у иш жараёнида фактлар ва воқеаларга баҳо беришда субъективизимга берилиши мумкин. Чунки у кўпгина одамларнинг тақдири, муайян фаолият соҳасининг

ҳолати ва ҳатто, бутун жамиятнинг келажаги ўзининг ишига боғлиқлигига ишонади. Шу боис журналистнинг мантиқ ва ҳис-туйғуларни мувозанатда сақлаши муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу нарса унга охиригача холис бўлиш имконини беради».³⁹

Ёзувчи ва публицист Хуршид Дўстмуҳаммад ўзининг «Ахборот — мўъжиза, жозоба, фалсафа»⁴⁰ китобида шу мавзуга тўхталиб ўтар экан журналист психологиясига ҳам алоҳида урғу беради. Муаллифнинг фикрига кўра, текширувчи, яъни журналист текширилувчидан психологик жиҳатдан устун туради. Унинг савол-муомаласида, ўзини тутишида, кўз қарашларида ана шу устунлик бўртиб туради. Текширув давом этиб, камчилик ва нуқсонларни ифода этувчи маълумотлар тасдиқлангани сайин текширилувчининг бўйни қанчалик эгилса, текширувчи (журналист)нинг тили шунчалик бийронлашади.

Албатта, бу ҳолат журналистнинг феъл-атвори, касбий принспларига ҳам таъсир этмай қолмайди. Жараённинг қандай яқун топиши журналстнинг позициясига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. «Журналистлардан айримларида катталарга ёқишга интилиш мойиллиги бўлади. Бундай ҳолда тадқиқот ўтказаётган журналист психологик жиҳатдан «ижобий» ахборотлар олиш учун, уни тўплаш учун амал қилиши зарур бўлган усулни гапирмай қўя қолайлик. Негаки, у кайфиятни сал мослаштира — бўлди, қолгани ўз-ўзидан шунга мувофиқ кетаверади: мавзу керакли нуқтаи-назардан ўрганилади, саволлар ҳам исталган натижага мослаброқ тузилади, жавобларнинг вариантлари ҳам «ўйлаброқ» таналади.⁴¹

³⁹ Я. МАМАТОВА, С. СУЛАЙМАНОВА. Ҳақиқат излаб: Ўзбекистонда журналист суриштирувининг самарадорлиги омиллари. Т., «Extremum-Press», 2015, 30-бет

⁴⁰ Х. ДЎСТМУҲАММАД. Ахборот — мўъжиза, жозоба, фалсафа. Т., «Янги аср авлоди», 2013,

⁴¹ Ф. МЎМИНОВ. Социология ва журналист фаолияти. Т., «Университет», 1995, 6-бет.


«Мен журналистларни Станиславский театри актёрларига ўхшатаман. Гап шундаки, актёрлик иқтидори, аввало, яратаётган образида ўзининг шахсий сифатларига боғлиқ бўлмаган ҳолатни кўрсатиб бериш иқтидоридир. Ақлли қаҳрамонни ролини ижро этиш учун актёрнинг интеллектуал салоҳияти юқори даражада бўлиши шарт эмас. Журналистикада эса бу – шарт. Бизга ҳеч ким матн ёзиб бермайди ёки фаолиятимизни саҳналаштирмайди. Режиссиёр ҳам, драматург ҳам, ижрочи ҳам – ўзимиз. Шу боис, журналистик асар учун манбаларни йиғиш мақсадида ким бўлиб кўринишимиз ўзимизга боғлиқ. Бу жараёнда ақлли, принципиал, ҳалол, бағрикенг, теран дунёқарашга, барқарор позицияга эга бўлишимиз мумкиндир, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам виждонли бўлишга мажбурмиз. Айнан шу сифат, биз ҳар қандай вақтинчалик ниқоблар билан ниқобланганда ҳам, ниятимизнинг поклигига кафолат бўлади, ўзимизни эса масалага жуда чуқур кириб кетмасликдан сақлайди»⁴².

Журналистиканинг биринчи галдаги ўрганадиган, мурожаат этадиган объекти, асосий ахборот манбаи, қолаверса истеъмолчиси ҳам, буюртмачиси ҳам, назоратчиси ҳам инсондир. Муайян бир жамиятга хос муаммоларни ўрганишдан аввал инсон руҳиятига, жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларига мурожаат этиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги ўта мураккаб, зиддиятли шароитда, глобаллашув жараёнида инсон феноменини ўрганиш журналистика соҳасининг долзарб вазифаларидан. Чунки ҳозирги замон кишиси ахборотнинг глобаллашуви кучайган, мобил алоқа тармоқлари мислсиз тезликда ривожланаётган мураккаб коммуникатив шароитда яшайпти. Оммавий коммуникация жараёнлари нафақат инсоннинг турмуш

⁴² Аграновский В. Вторая Древнейшая. Беседа о журналистике -М., Изд. «ВАГРИУС», 1999. 188-бет.

тарзини, балки руҳий оламини ҳам ўзгартириб юбормоқда. Журналистлар ана шу ўзгаришларни тушунган ҳолда замондошлари билан мулоқотга киришишга ёрдам берадиган психологик билимларга тез-тез мурожаат этиптилар.

«Шундан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, журналистика психологиясининг бош вазифаси — жамиятдаги ижтимоий-психологик муаммоларнинг оммавий коммуникация воситаларида ўзига хос талқинларини, аудиторияни ахборот билан таъминлаш жараёни билан боғлиқ психологик ҳолатларни, ОАВнинг турли ижтимоий гуруҳлар билан муносабатига доир психологик хусусиятларни ўрганишдан иборат. Бу жараён қуйидагича кўринишга эга:



■ **ОАВ** — турли ижтимоий гуруҳлар ва шахслар билан психологик муносабатларга киришади.

■ **Журналист** — ахборот етказувчи мутахассис, унинг жамиятда шахс сифатидаги ўрни профессионал маҳорати, ички дунёси, руҳияти, жамиятни ахборот билан таъминлашдаги психологик таъсири билан белгиланади.

■ **Аудитория** — ахборот истеъмолчиси ва айни пайтда психологик муносабатлар объекти. Шу билан бирга, аудитория фақат ОАВ маҳсулотлари бозорини англатадиган иқтисодий категория эмас. Аудитория концепцияси ижтимоий-маданий

бирликка боғланган. ОАВ соҳаси тадқиқотчилари ахборотни турли хил услуб ва кўринишдаги истеъмолчилар орасида одамларнинг ўз дидига, қизиқишларига мос истеъмолчилар жамиятини яратишга ёрдам берувчи оммавий ахборот таъсирчанлигининг муҳим белгиларидан бири эканлигини таъкидлайдилар.

■ **Жамият** — ахборот айланадиган ва алмашинадиган макон. Ундаги ҳар қандай муносабатларнинг ўзига хос психологик кўринишлари мавжуд.

Шунингдек, журналистика психологиясининг объектини журналистлар, ноширлар, муассислар, мулк эгалари, оммавий аудитория, журналистик ижод маҳсули бўлган матнли материаллар, ОАВ таҳририятлари, ахборот агентликлари, умумий маънода жамият, унинг оммавий ахборот воситаларидек муҳим бир ижтимоий институт ташкил қилади».⁴³

Жамоатчиликнинг таркибига кирувчи етакчи шахслар, ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари ОАВ орқали ўзларининг фикр-мулоҳазалари, таъриф-тавсифларини баён этиб, одамлар ва ижтимоий гуруҳлар онига таъсир кўрсатиб, уларнинг хулқи, маданияти ва маънавиятини ўзгартиради. Ахборот истеъмолчиларининг икки: доимо фаолиятда бўлган аудитория вакиллари ҳамда потенциал аудитория вакиллари гуруҳларига бўлиш мумкин. Доимо фаолиятдаги аудитория вакиллари, аниқ манбалари билан мурожаат этадиганлардир. Потенциал аудитория эса, катта бир қатлам, мамлакат фуқаролари бўлиши мумкин. Коммуникация жараёнларини ўрганишда, қоидага кўра, ахборот узатишнинг аниқ каналлари, хизматлари ана шу икки хил аудиторияни ҳисобга олиш лозим бўлади. Ўқувчиларнинг, тингловчи ёки томошабинларнинг ОАВга мурожаат этиши муайян

⁴³ Назира Тошпўлатова. Журналист психологияси (Ўқув қўлланма). Тошкент, 2013 йил

ижтимоий гуруҳларнинг ўзларига тегишли ҳудудларга, муаммоларга, масалаларга тааллуқли бўлган манфаатларини ўзида ифодалайди.

ХУЛОСА

Журналист текшируви моҳиятан ва табиатан мураккаб, баҳсларга сабаб бўлувчи, ўзига хос бир ижодий дунё. Журналистика майдонида вужудга келган ва жаҳон матбуотида ўз ўрни, мавқеи ва таъсир кучига эга бўлган мазкур жанр замонавий ўзбек журналистикаси учун ҳам бегона эмас. Мустақиллик йилларида республикаимиз оммавий ахборот воситаларида журналист текшируви гоҳ кенг оммалашган бўлса, баъзида у эътибордан четда қолди. Ўз сўзи, услуби ва позициясига эга бир қатор журналистлар етишиб чиқдилар. Сўнгги пайтларда мазкур жанр яна ўз ўзанига қайтишга ҳаракат қилаётгани нечоғли қувончли бўлмасин, журналист текшируви замирида таҳлил, тадқиқ ва танқид ётади.

Юртимизда қалам аҳлининг ижодини, ҳуқуқ ва бурчини ҳимоя қиладиган бир неча қонунлар қабул қилинган. Шундай экан, нега журналистлар ўз мажбуриятларини адо этишга журъат топа олмаяпти? Сабаби аён: гарчи цензура қонунан бекор қилинган бўлса-да, аксарият журналистлар, айрим таҳририятларнинг раҳбарларида ҳанузгача ҳадиксираш сақланиб қолмоқда. Ёзувчи, шоирлар асарлари билан, рассомлар расмлари билан, санъаткор-қизиқчилар ичакузди чиқишлари билан, журналистлар эса ҳолисона танқидий мақолалари билан оммавий ахборот воситаларида кўп ва хўб чиқишлар қилишса, юксалиб бораётган Ватанимизнинг гуркираб ўсишига муносиб ҳиссаларини қўшган бўлишади⁴⁴.

Журналист текшируви – кенг қамровли мавзу. Мазкур магистрлик диссертациясида журналист текширувида ахборот олишнинг психологик омиллари алоҳида ўрганилди ва асосий урғу суриштирувда журналист позицияси, одатий ва ноодатий, қонуний ва баъзан қонунда кўрсатилмаган йўллар билан, касбини ўзгартириб маълумот олишига қаратилди.

⁴⁴ Мирзааҳмедов К. «Журналист текширувчими?» «Хуррият» газетаси, 2010 йил, 14-сон.

Журналистика амалиётида текширувлар қандай олиб борилгани Ўзбекистон ва дунё мамлакатлари асосида таҳлил қилинди. Бундан ташқари, Англия, АҚШ, Австралия журналистикасидаги мавзуга оид жиҳатларга назар ташланди.

Ахборот олишга оид қонунлар ҳақида сўз борганда Ўзбекистон Республикаси ва бир қанча чет мамлакатлар (Швеция, Германия, Россия, МДХ давлатлари) қонунчилигига мурожаат этилди. Тадқиқот давомида асосан матбуотдаги текширувлар талқин ва таҳлил қилинган, лекин баъзи ўринларда мавзуга мослиги нуқтаи назаридан телевидение, радио, Интернетдаги суриштирувлар ҳақида ҳам фактлар мавжуд.

Магистрлик диссертацияси доирасида журналист психологияси ва позицияси бошқа жанр материалларидан кўра яққол кўзга ташланиши, ноодатий усуллар билан ахборот олиш ҳолатлари ва журналистнинг касбий маҳорати ҳақида маълумот берилди. Хорижий ва миллий журналистикада журналист текширувининг ўрни, журналист фаолият асносида назарда тутиши керак бўлган талаблар, ахлоқий ва психологик мезонлар ҳақида сўз юритилди. Ўз навбатида, журналист текшируви мавзу ва ёзилиш услуби жиҳатидан аввалгиларидан фарқлиликни касб этгани баён қилиниб, баъзи текширувларнинг бошқа жанр материаллари билан ўхшаш томонлари кўриб чиқилди. Назарий маълумотлар билан биргаликда газеталардан амалий мисоллар келтиришга кенг ўрин ажратдик, шунингдек, таниқли назариётчилар фикридан иқтибослар тақдим этилди.

Магистрлик диссертацияси юзасидан ўрганиш учун танлаб олинган икки газета: «Хуррият» ва «Совершенно секретно» газеталари мухбирлари томонидан ўтказилган, 2010-2011 йилларда газета юзини кўрган текширув мақолалари таҳлил этилди. Уларда муаммонинг очиб берилиши масаласига тўхталинди, мақолада муаммоли савол қўйиш ва мавзу қай йўсинда ёритилиши нуқтаи назаридан журналист позицияси ўрганилди.

Шунингдек, касбини ўзгартириб, журналистлигини сездирмай ахборот олиш усулига бўлган қарашлар, унинг самарасига алоҳида аҳамият қаратилиб, касбини ўзгартирган журналистлар ва уларнинг ишлари хусусида мисоллар келтирилди. Журналистик текширувларнинг замонавий журналистикада ўз ўрнини топиши, матбуотда етакчи жанрга айланиши йўлидаги муаммолар, таҳририятларда ўрнашиб қолган ички цензура борасида фикрлар билдирилди.

Журналист текширувининг жамоатчилик фикрини ўрганиш, инсонларда фуқаролик позициясини шакллантириш, касбий нуқтаи назардан олганда эса, сўз эркинлигини намоён этиш ва инсонларда оммавий ахборот воситаларига нисбатан ишонч уйғотишда хиссаси катта. Лекин унга бўлган муносабат ҳар доим ҳам ижобий эмас. Журналист текширувларига таҳририятлар томонидан кенг йўл берилмаслигини юқорида ҳам таъкидладик. Мазкур жанрга аввалида «журналист текшируви» номи берилишига қарамай, бир неча вақт ўтиб «журналист суриштируви» тарзидаги ўзгарган истилоҳи кириб келди. Бу бир қадам орқага чекиниш ва юмшатишга ўхшаб кўринади. Шунингдек, матбуот саҳифаларидан алоҳида ажратилган «Журналистик текширув» рукни ўз ўзидан йўқола бошлади. Гарчи материаллар журналист текширувини ўзида мужассамлаштирган бўлса ҳам, улар «Кузатув», «Таҳлил», «Аҳвол» деб номланадиган бўлиб қолди. Миллий қонунчилигимиздаги икки қонун – «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ва «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларда журналист текшируви ўтказиш қонунан кафолатланган эди. Лекин «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2007 йилдаги янги таҳририда журналист текширувини ифодаловчи модда негадир олиб ташланди.

Мазкур мавзу магистрлик диссертацияси даражасида ўрганилиб, қуйидагича хулосалар чиқарилди:

1. Журналистнинг ахборот билан ишлаш ва текширув олиб бориши жараёнида ўзига хос психологик омиллар юзага келади.
2. Журналист текширувида касбини ўзгартириш жаҳон ва ўзбек журналистикаси амалиётида кузатилган ҳолат, ахборот олишда қўлланиладиган самарали усул.
3. Журналист текширувига ихтисослашган журналистдан билим ва малакадан ташқари касбий маҳорат ва ижодий қобилият талаб этилади.
4. Журналист текшируви давлат ва жамиятдаги муаммоли масалаларни олиб чиқишда асосий кўмакчи вазифасини ўтайди.
5. Матбуотда маълум жиҳатлари билан текширув аҳамиятини касб этувчи материаллар мавжуд, аммо уларнинг барчасини текширув деб бўлмайди.
6. Журналист текшируви жанрининг тез суръатларда ривожланмаётганига таҳририятлардаги ички цензура, раҳбар кадрларнинг чекловлари ва мухбирларнинг қатъий позицияга эга эмаслиги сабаб бўлмоқда.

Хулосалардан келиб чиқиб, замонавий журналистикадаги текширув жанрининг ривожланиши ва жамиятда ижобий самара кўрсатиши учун қуйидаги таклифларни билдириш жоиздир.

1. Журналист текширувида психологик жиҳатларни ўргатувчи ўқув курслар, тадқиқот ишлари ва илмий адабиётларни кўпайтириш зарур.

2. Матбуотнинг журналистик текширувлар ўтказиш ва чоп этишга кенг йўл очиши, раҳбар кадрлар ва мухбирларда янгича фикрлашни шакллантириш устида ишлаш мақсадга мувофиқ.

3. Танқид остига олинadиган мутасадди ташкилотларнинг тазйиқига қарши ҳимояни шакллантириш. Матбуот ишига ташқи аралашувларнинг кириб келишига йўл қўймаслик.

4. Журналист текширувида самарадорликка эришиш мақсадида хорижий тажрибани ўрганиш, уни миллий журналистикамиз мезонларига мослаштириш.

Магистрлик диссертациясида журналист текшируви ва унда ахборот билан ишлашнинг психологик жиҳатлари мавзу қилиб олиниб, журналистнинг иш жараёнидаги позицияси, муносабати, ишни ташкил этишдаги маҳорати, замонавий журналистикада ушбу жанрнинг кўринишлари ва муаммолари ўрганилди. Унда журналист текширувининг аҳамиятини очиб бериш ва хориж матбуотидаги текширувлар билан қиёсий ўрганиш орқали миллий матбуотимиздаги мазкур йўналишда кўзга ташланаётган камчиликларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилинди. Зеро, оммавий ахборот воситалари жамиятда ўзининг муҳим ўрнига эга, фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш йўлида демократик журналистика ҳамда профессионал журналистлар асосий куч бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбек тилидаги адабиётлар:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 1948. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро билл. -Т.: «Адолат», 1992.
1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2005.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). 2007. «Ўзбекистон матбуоти» журнали, 2007 йил, 1-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. 2002. Раззоқов Ж. Тўртинчи ҳокимият. -Т.: «Меҳнат», 2003.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни. 1997. Раззоқов Ж. Тўртинчи ҳокимият. -Т.: «Меҳнат», 2003.
5. Ўзбекистон нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Хартияси ва Ахлоқ кодекси. www.naesmi.uz
6. Аҳмедова М. Журналистика ва психология. Т.: Шарқ, 2010.
7. Бобожонов Қ. Журналистик суриштирув: қисқача таъриф ва тавсиялар. -Т.: Уруш ва тинчликни ёритиш институти, 2002.
8. Бобожонов Қ. Профессional маҳорат сари тўрт қадам. -Т.: Уруш ва тинчликни ёритиш институти, 2002.
9. Дўстмуҳаммад Х.. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил (Монография) Т.: - 2007. «Янги аср авлоди».
10. Ирназаров Қ., Маматова Ё. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. -Т.: Ўзбекистон Миллий Университети, 2001.
11. Нестернеко Ф. Луғат: Журналистика. Реклама. Паблик Рилейшнз. Маълумотнома. -Т.: «Зар қалам», 2003.
12. Сулаймонов И. Мен – журналистман. Т.: 2001. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти.

13. Тошпўлатова Н. Журналистика психологияси. Ўқув қўлланма. –Т.: 2013 йил.
14. Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси. -Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2002.
15. Худойкулов М. Матбуот ва жамият. Т.: 1976. «Ўзбекистон» нашриёти
16. Қосимова Н. ва бошқалар. Босма оммавий ахборот воситалари учун қўлланма. -Т.: Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, 2008.

Чет тилидаги адабиётлар:

1. Аграновский В. Вторая Древнейшая. (Электронная книга).
2. Актуальные вопросы развития партийной прессы Узбекистана. 3-й выпуск. Институт по изучению гражданского общества.
3. Волков А. И. Опасная профессия. -М.: 1995-1997.
4. Засурский И. Масс-медиа второй республики. 1999 г. Электронная книга.
5. Корконосенко С.Г. Основы творческой деятельности журналиста. -СПб.: «Знание», 2000.
6. Мелибоев А. и др. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. -Т.: Национальный университет Узбекистана, 2002.
7. Мухаммад Аль-Бухари. Проблемы международного обмена информацией в условиях современных международных отношений. -Т.: “Босма”, 2004.
8. Пронина Е. Материалы секции «Медиапсихология» международной научно-практической конференции «Журналистика в 2000 году: Реалии и прогнозы развития». Москва, МГУ, 2001. (Электронная книга)
9. Рошин С. Психология и журналистика. М.: «Наука», 1989.

10. Рэндалл Д. Универсальный журналист. Алматы. 1996. Центральноазиатская школа молодых журналистов
11. Херманн М. Средства массовой информации в Федеративной Республике Германии. -Г.: «Коллоквиун», 1996.
12. Altshull J.H. Agents of Power: the role of the news media in human affairs. New York and London, Longman. 1984. E book.
13. Steiger P. Attacks on the press in 2005. New York.: Committee to protect journalists, 2006.
14. Dolan T., Whitehouse M. Media sustainability index 2004. Washington.: The development of Sustainable Independent Media in Europe and Eurasia, 2005.

Даврий нашрлар:

1. «Хуррият» газетаси, 2010 йил 9, 14, 20, 27, 30, 32, 42 сонлари; 2011 йил 4, 6, 9, 10, 31, сонлари
2. «Совершенно секретно» газетаси, 2010 йил 1, 2, 5, 8, 9 сонлари; 2011 йил, 4, 6, сонлари
3. «Адолат» газетаси, 2011 йил 11, 15 сонлари
4. «Миллий тикланиш» газетаси, 2011 йил 2 сон
5. «Инсон ва қонун» газетаси, 2011 йил 12 сон
6. «Правда Востока» газетаси, 2011 йил, 46 сон
7. «Туркистон» газетаси, 2011 йил, 26 сон.
8. «Халқ сўзи» газетаси 2011 йил 23, 59 сонлари
9. «Ўзбекистон овози» газетаси. 2010 йил 20, 27, 2011 йил 16, 43 сон,
10. «Ўзбекистон матбуоти» журнали, 2004 йил 3 сон, 2008 йил 5-6 сон.
11. «Media emerging» журнали. 2006 йил, март сони

Фойдаланилган сайтлар:

1. www.uza.uz

2. www.naesmi.uz
3. www.mmf.uz
4. www.gazeta.ru
5. www.sovsekretno.ru
6. www.revolution.allbest.ru
7. www.evarist.narod.ru
8. www.wikipedia.org
9. www.wan-press.org
10. www.muckraker.org
11. www.bbcuzbek.com